



MILLIY TIKLANISH

44 (52) 2009 йил 11 ноябрь, чоршанба

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

www.milliytiklanish.uz
e-mail: milliyt@sarkor.uz



Оила — бу борадаги қонунчиликда миллий ўзига хослик ҳолатлари эътиборга олинди

Маълумки, инсон учун у қандай ютуқларга эришганидан қатъий назар, оила муқаддас саналган.


4-бет ←



Ўқитишнинг замонавий услублари

Бугунги кунда олимлар ва амалиётчиларнинг таъкидлашича, замонавий таълим талабаларда олинган билимлардан амалиётда фойдаланиш, талабанинг шахсий хусусиятлари, хусусан, унинг ҳаётий режаларини ҳисобга олишни ахтиёж даражасига кўтармоқда.

6-бет ←



«Самовий бедов»

Дастлаб эътиборингизни «Алпомиш», «Гўрўгли» дostonларига қаратгим келди. Халқ ўртасида маълум ва машҳур бўлган Гўрўглининг туғилиши, унинг бияни эмиб катта бўлгани кейинчалик қахрамонимиз бияни ардоқлагани, бу ҳақда Пўлкан шоирнинг «Гўрўглининг туғилиши ва болалиги» дostonида куйлагани маълум ва машҳур...

8-бет ←

МТ

БУГУНГИ СОҶДА:

ЎзМТДП — ТАШКИЛОТЛАРИДА	2-бет
Партия дастурий мақсадларини амалга ошириш — бош вазифамиз	
ПАРТИЯ ҲАЁТИ	3-бет
Партиядошларимиз масъулиятини янада ошириш	
ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ	4-бет
Маънавиятни англаш эҳтиёжи	
МАЪНАВИЯТ	5-бет
Олимлар бешиги	
Ахборот-кутубхона раўнақи	
Истиқлол ва шоир	
ЖАРАЁН	6-бет
Тадбиркор қурган гузар	
Маънавий етуқ ва соғлом ўғлонлар	
Асарлар таъмирланмоқда	
ХАЛҚАРО ҲАЁТ	7-бет
Асосий номзод сайловда қатнашмайди	
Дунёдан дараклар	
КЎЗГУ	8-бет
"Сенинг фарзандингман, Ўзбекистон"	
Энг саралар сараланди	
Турфа олам	

ЎзМТДП ҲАЁТИ

Партия дастурий мақсадларини амалга ошириш — бош вазифамиз

Тошкент шаҳрида Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг II-съезди бўлиб ўтди

Съезд ишида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия ташкилотларидан сайланган делегатлар, партия Марказий Кенгаши, Марказий Назорат-тафтиш комиссияси, ЎзМТДП Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари қатнашдилар.

Съезд кун тартибидан "Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ҳисобот давридаги фаолияти тўғрисида", "ЎзМТДП Марказий Назорат-тафтиш комиссиясининг ҳисоботи", "ЎзМТДП сайловолди Платформаси тўғрисида", "ЎзМТДП Марказий Кенгаши ва Марказий Назорат-тафтиш комиссияси аъзоларининг янги таркибини тасдиқлаш тўғрисида", "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатиш тўғрисида" ги масалалар жой олди.



Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Аҳтам Турсунов маъруза қилди.

— Биз бугун ўтган беш йиллик фаолиятимизни сарҳисоб қиламиз, истиқбол режаларимизни белгилаб оламиз, яқинлашиб келаётган сайловларда партия ҳаракат дастурининг асосий ҳамда стратегик ва тактик йўналишлари, шунингдек етакчи ғоя ва вазифаларини муҳо-

ка қилиб, қабул қиламиз. Ана шундан келиб чиқиб, съездини ишчан, таклиф ва мулоҳазаларга ҳамда энг муҳими танқидий-таҳлилларга бой ўтиши учун ҳар бир делегатни анжуман ишида фаол иштирок этишга чақираман, деди дастлаб партия раҳбари.

— Мамлакатимизнинг мустақил тараққиёт йилларида давлатимиз раҳбари Ислоҳ Каримов раҳнамолигида эришган улкан ютуқ-

лари, халқимизнинг эртанги кунга ишончи, юртимизда изчил ривожланиб бораётган демократик жараёнлар ҳар биримизнинг қалбимизда фахр ва ифтихор уйғотади. Жамиятимизда кечаётган чуқур ва туб ўзгаришлар ва янгиликлар натижасида, бугун мамлакатимиз ўз тарихий тараққиётининг сифат жиҳатидан янги босқичга қадам қўйди.

(Давоми 2-бетда)



НИГОҲ

Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг «Юксак маънавият — энгилмас куч» номи асарида маънавият билан боғлиқ қарашларнинг янги мезон ва тамойиллари асослаб берилди. Бундан маданият тўғрисидаги анъанавий қарашлар ўзгариб, янгилашиб, «маданият», «маънавий маданият» билан «маънавият» тушунчалари ўртасидаги умумий ва фарқли жиҳатларни англаш, идрок этиш содир бўлмоқда. Натижада «маънавият»нинг маданиятга муносабатида ўзига хос фарқли жиҳатлари борлиги маълум бўлди. Бошқача айтганда «маънавият» ва «маданият» ўртасидаги фарқ билан боғлиқ далиллар исбот талаб этмайдиган ҳақиқатга айлиб бораётганлигини таъкидлаш лозим.

Маънавиятни англаш эҳтиёжи

Маълумки, «маданият» тушунчаси «маънавий маданият» тушунчаси орқали ифодланади. Маданият- табиий ҳолатдаги нарса ва буюмларга таъсир кўрсатиб, фойдаланишга ўтиш босқичи содир бўлишини англаган. Узоқ йиллар давомида «маданият»ни - «моддий» ва «маънавий маданият»га бўлиб ўрганиш анъанаси давом этди.

(Давоми 4-бетда)

Сўз — съезд иштирокчиларига

Анвар МИРЗАЕВ, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Самарқанд вилояти кенгаши Ижроия қўмитаси раисининг ўринбосари:

— Партияимиз Дастурида илгари сурилган мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб амалга оширилган ишлар ҳақидаги ҳисоботни эшитдик. Кўриниб турибдики, фаолиятимизда ютуқлар билан бирга бирмунча камчиликлар ҳам борлиги қайд этилди. Албатта, партия фаолиятини жонлантириш ҳар биримизга боғлиқ. Бу борада, айниқса, ҳудудий партия ташкилотлари ишини жиддий таҳлил қилиш ва улардаги камчиликларни бартараф этишга алоҳида эътиборни қаратиш лозимлиги съездда алоҳида таъкидланди. Шу ўринда мен партияимизнинг Самарқанд вилоятида амалга оширилаётган фаолиятдан келиб чиқиб, ўз фикр-мулоҳазамни билдирмоқчиман. Самарқанд вилоятида бугунги кунда 241 та бошланғич партия ташкилоти, 16 та туман ва шаҳар кенгаши фаолият кўрсатади. Вилоят миқёсида партия-

мизнинг аъзолари 15074 нафарни ташкил этади. Лекин, бугунги кунда БПТларнинг ҳам, туман ва вилоят кенгашларининг ҳам фаолиятини мақтарли даражада деб бўлмайди. Асосий камчилик шунда кўринадики, ўтказилаётган тадбирларимизнинг савияси, сифати ва қамрови жуда саёз. Баъзи ҳолларда кўтарилаётган муаммолар, қўйилаётган масалалар партия вазифаларидан келиб чиқиб белгиланмаганлиги кўзга ташланмоқда. Бу эса партия электорати ва ижтимоий қатламни шакллантиришга салбий таъсир кўрсатмоқда. Партияимизнинг Пахтачи, Нарпай, Каттакўрган туман кенгашлари фаолиятини қоникарли деб бўлмайди. Ушбу партия ташкилотлари маърузада етарлича танқид қилинди.

ЎзМТДП Самарқанд вилояти кенгаши катта салоҳиятга эга партия ташкилоти ҳисобланади. Бундан ташқари вилоятда партия ижтимоий қатламни мустаҳкамлаш учун барча шароит ва имкониятлар мавжуд.

(Давоми 2-бетда)

Диққат обуна!

«Milliy tiklanish»

газетасига 2010 йил учун обуна давом этмоқда.

Обуна барча алоқа бўлимларида қабул қилинмоқда.

Индекс: 158

ПАРТИЯ ҲАЁТИ

ЎЗМТДП ҲАЁТИ

Партия дастурий мақсадларини амалга ошириш — бош вазифамиз

Тошкент шаҳрида Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг II-съезди бўлиб ўтди

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бу босқичнинг энг характерли хусусиятлари ҳақида гапирганимизда, мамлакатни модернизация қилиш, демократияни ривожлантириш, сиёсий партияларнинг давлат ва жамият ҳаётидаги ўрни ва ролини ошириш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кучайтириш сингари ҳал қилувчи масалалар кўз олдимизда яққол намоён бўлади. Мамлакатимизда кечаётган ана шундай ижтимоий-сиёсий жараёнларда партиямиз қандай иштирок этмоқда, фуқароларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, миллий тикланиш гоёсини кенг омма, жумладан партиямиз электорати ҳаётининг ажралмас қисмига айлантириш учун етарли даражада фаолият кўрсатдикми?, “Миллий тикланиш” демократик партиясининг ўзига хос иш услубини яратди олдимизми?, партиямизнинг энг характерли хусусияти нималардан иборат ва энг муҳими сайлов кампаниясида партия қандай тайёргарлик билан келди? Бугун биз ана шундай саволларга жавоб беришимиз лозим, — деб алоҳида таъкидлади маърузачи.

Маълумки, шу йилнинг 27 декабрь кунини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғи Кенгеси ва халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари сайловлари бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси 2009 йил 22 сентябрдан мамлакатимизда сайлов кампанияси бошланганлигини эълон қилди. Шу муносабат билан ЎЗМТДП Марказий Кенгаши Ижроия кўмитаси 23 сентябрь кунини йилги иш ўтказиб, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг сайловда иштирок этиши юзасидан қарор қабул қилди ва Марказий Кенгаш V-пленими ушбу қарорни қўриб чиқиб тасдиқлади. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайлов тўғрисида”ги Қонуннинг 21-моддасига мувофиқ партиянинг сайловда иштирок этишига доир ариза ва бошқа ҳужжатларни қўриб чиқиб, 2009 йил 18 октябрдаги қарорига мувофиқ Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловда қатнашишга ижозат берди.

Мамлакатимизда “Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларида ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси сайлов қонунчилиги халқимизнинг бой миллий қадриятлари ва тарихий давлатчилик анъаналари асосида сайлов оид халқроқ ҳуқуқнинг умумэтироф этилган тамойиллари ва ривожланган давлатларнинг илғор тажрибаларини инобатга олган ҳолда яратилган бўлиб, фуқаролар ва сиёсий партияларнинг давлат ҳокимиятини шакллантириш ҳамда давлат бошқарувидаги эркин иштирокини таъминлашга хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари тақомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларида ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонун сайлов қонунчилигини янада либераллаштириш, жамият ҳаёти ва давлат қурилишини босқичма-босқич демократлаштиришни таъминлайди. Демак, партиялар сайловда муваффақиятли иштирок этиши учун барча ҳуқуқий асослар яратилган ва бундай имкониятдан қай даражада унумли фойдаланиш сиёсий кучларга боғлиқ эканлигини таъкидлашди, музокараларда сўзга чиққан делегатлар.

2008 йилда партия ҳаётида эркин саҳифа очилди — собиқ



“Миллий тикланиш” демократик партияси ва Фидокорлар миллий демократик партияси ўзаро бирлашиши натижасида янгиланган Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси вужудга келди.

Бугунги кунда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида 29 нафар депутатдан иборат партия фракцияси фаолият кўрсатмоқда. Халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари ва Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғи Кенгесида 739 нафар партия аъзолари депутат этиб сайланган. Ҳозир партия 3350 та бошлангич партия ташкилотига эга. Бошлангич партия ташкилотлари партиянинг асосий таянчи ҳисобланган экан, БПТлар сони ва сифатини оширишни партия фаолиятида бош вазифа сифатида эътироф этишди сўзга чиққан делегатлар.

Янгиланган Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси фаолиятининг асосий йўналиши истиқлол мафқурасини ҳамда миллий тикланиш гоёсини янада ривожлантириш, биз гурӯрланадиган миллий қадриятлар, миллий урф-одатлар ва менталитетимизни авайлаб-асраган ҳолда жаҳон ҳамжамиятида ўзимизни эгаллашга қаратилди.

Партиянинг юқорида тилга олинган дастурий мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг ўзига хос кўрсаткичи ва иш услубини шакллантириш — бунда партия томонидан ташкил қилинадиган ҳар қандай тадбирда котиблар, халқ хунармандлари, раҳбарлар асарлари кўргазмасини, куй-қўшиқлар, сахна кўринишлари ташкил қилиш, шоир-ёзувчиларнинг асарларидан намуналар ўқиш сингари тадбирнинг бадиий қисмига алоҳида эътибор бериш партия Марказий Кенгашининг биринчи пленумида вазифа сифатида белгиланган эди. Партия Марказий Кенгашининг бу топшириғи ЎЗМТДП Қорақалпоғистон Республикаси Андикжон, Тошкент, Хоразм, Самарқанд, Қашқадарё вилоятлари кенгашларида қисман бўлса-да бажарилди келинмоқда. Афсуски бошқа партия ташкилотлари ҳамон эски тос, эски ҳаммом дегандек, тадбирларни курак маърузабозлик билан ўтказиб келишмоқда. Шу ўринда изоҳлаш жоизки партия ўз фойдаларини таъсирчан, кўргазмали воситалар ва ўзига хос услублар билан тарғиб-ташвиқ қилиш орқали ЎЗМТДПнинг ижтимоий қатламни мустақамлаш, партия аъзолари ва хайри-

соҳлари сафини кенгайтириш, партиянинг жамиятдаги мавқеини кучайтириш ва энг муҳими фуқаролар, айниқса ёшлар ва хотин-қизларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг қалби ва онгида Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини тарбиялаш, мустақиллик мафқураси ва миллий тикланиш гоёсини сингдириш кўзда тутиш билан бирга бу каби эзгу мақсадларни амалга ошириш билан партия ўзига хос имижини яратиш ва бошқа партиялардан ўзига хос фаолият тарзи билан яққол ажралиб туриш вазифа сифатида белгиланган. Аммо анжуманда таъкидланганидек партия Сурхондарё, Фарғона вилоят ташкилотлари ва Қизилқум, Бандиқ, Нарпай, Каттақўрғон, Пахтачи, Қувасой, Олтинқул, Бекобод, Оққўрғон сингари туманлари партия кенгашлари ишида айнан ана шу жиҳат кўзга ташланмапти ва улар ўтказаятган тадбирлар на сон жиҳатидан, на сифат жиҳатидан қониқарли эмас.

Бирлашиш съезидан кейин партиянинг мафқуравий, ташкилий-қадрлар, хотин-қизлар ва ёшлар билан ишлаш бўлимлари томонидан ЎЗМТДПнинг дастурий мақсадларига хизмат қилувчи иш режаси ишлаб чиқилди. Мазкур режа асосида ҳозирча 3000 га яқин турли мавзулардаги тадбирлар ўтказилди. Айниқса, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг барча ташкилотлари, парламент куйи палатасидаги фракцияси, халқ депутатлари маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳларида Юртбошимиз Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилётган Инқирозга қарши чора-тадбирлар Дастури атрафида ўрганиб чиқилиб, тегишли вазифалар белгилаб олинишига қаратилган бир қатор тадбирлар ташкил қилинди.

ЎЗМТДП МК Ижроия кўмитаси февраль-апрель ойларида вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳри партия кенгашларида Президентимизнинг “Юксак маънавият — энгилмас куч” ва “Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шартларида уни барқарор этишни йўллари ва чоралари” асарини юзасидан семинарлар ташкил қилинди.

Съезд ишида бу борадаги халқ депутатлари маҳаллий кенгашлардаги депутатлар гуруҳлари фаолиятига танқидий нуқта назардан ёндошилди. Қайд этилдики, айрим депутатлар гуруҳини айтмаганда, асарият депутатлар гуруҳи Конституциявий қонун ва партия дастурий мақ-

садларига мос фаолият олиб боришда оқсоқлик қилишмоқда. Сессиялар кун тартибига партия ижтимоий қатлами манфаатларидан келиб чиқиб муқобил таклиф ва қарорлар лойиҳасини киритиш ва уни қабул қилинишига эришишда етарли даражада ташаббус кўрсатишмапти. Жумладан, жиддий ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларни ишлаб чиқишда фаолият кўрсатилмади. “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Конституциявий Қонун талаблари асосида ижроия ҳокимиятини шакллантириш юзасидан конструктив таклифларни илгари сурдишмади. Айниқса халқ депутатлари Наманган, Сурхондарё ва Тошкент вилояти кенгашларидаги партия гуруҳларини фаолиятида ташаббускорлик етишмаяпти.

Шунингдек, съездеда партия фракцияси фаолияти юзасидан қуйидагилар айтиб ўтилди.

Фракция аъзолари 2005-2009 йиллар давомида 14 та қонун лойиҳаларини жумладан, “Аҳоли миграцияси тўғрисида”ги, “Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги, “Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ваколатхоналари бошлиқларини тайинлаш ҳамда қақриб олиш тартиби тўғрисида”ги, “Миллий музей фонди ва музейлар тўғрисида”ги, “Музейлар тўғрисида”ги, “Археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида”ги, “Архив иши тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунлар лойиҳаларини тайёрлашда ташаббускорлик қилди. Ушбу қонун лойиҳаларидан айримлари қабул қилинди, айримлари иккинчи ўқишга тайёрланмоқда, айримлари эса тегишли кўмиталарда қўриб чиқилмоқда.

Маълумки, мазкур анжуманда тайёргарлик бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия конференциялари бўлиб ўтган эди. Ушбу йилги ишлардаги муҳокамалар чоғида партия фаолиятида ҳали бир қатор камчиликлар борлиги аён бўлди. Айрим партия конференцияларида ўтган беш йиллик иш фаолиятини танқидий таҳлил қилиш, мавжуд хатоларни тузатиш йўллари курсатиб бериш, навбатдаги вазифаларни белгилаш ўрнига минтақавий ташкилотлар раҳбар-

лари ўз маърузаларида эришилган натижаларни бўрттириб кўрсатиш, партия қурилишининг назарий масалалари билан чекланиб қолишганлиги, баъзи етакчиларда нотўқил маҳорати етишмаслиги қаттиқ танқид остига олинган эди. Мазкур муаммони ҳал қилишга қаратилган истиқболдаги вазифалар юзасидан фикр юритган партия раҳбари қуйидагиларни айтиб ўтди:

Партиянинг ҳош бошлангич ташкилоти бўладими, ҳош минтақавий ташкилоти ёки Марказий Кенгаши бўладими, унинг етакчиси аввало ҳар бир ишда ўзи ибрат кўрсатиши, одамларни оқсидан эргаштириб олиш лозим. Бунинг учун эса ўз устида мунтазам ишлаши, мамлакатимиз ва дунёда кечаётган сиёсий, иқтисодий, ижтимоий жараёнлардан мунтазам хабардор бўлиши, оммавий ахборот воситаларини изчил кузатиб бориши, ўқиб ўрганиши, таҳлилий мушоҳада юритиши зарур. Афсуски, дунёқароши тор, билим доираси сарғайиб, сиёсий жараёнлардан бе-хабар партиядошларимиз ҳам бор. Бундан ташқари миллий гоё ва партия дастурий мақсадларини кенг тарғиб қилиш орқали жамоатчилик фикрини шакллантиришда партия ташкилотларининг айрим етакчилари ташаббус кўрсатишмади. Бошқа сиёсий партиялар билан ўзаро-ғоявий курашда ҳам изчиллик ва фаолият етишмаяпти. Ана шундай салбий ҳолатларнинг олдини олиш учун ҳар бир партия ташкилоти ўз қадрлар заҳирасини яратиши ва кадрлар билан мунтазам равишда иш олиб бориши вазифа сифатида белгиланган эди. Бироқ, айрим партия ташкилотлари партиямиз учун ҳал қилувчи масала бўлган бу ўқишга ўта масъулиятсизлик билан ёндашганлиги сезилиб турибди. Бу муаммони ҳал қилиш учун, биринчидан, кадрларни танлашда уларга қўйилаётган талабларни янада кучайтириш лозим бўлса, иккинчидан, партия ташкилоти етакчилари малакасини оширишга қаратилган ўқув-семинарларнинг мазмунини ва ўқиш услуби ҳамда технологияларини замон талаблари асосида тубдан кучайтириш керак. **Партия ходимлари малакаси ва билим даражасини оширишга йўналтирилган ва доимий фаолият кўрсатувчи умумпартиявий янги лойиҳа иш-росини таъминлашга киритиш лозим.** Бу лойиҳани ишлаб чиқиш ва амалга оширишга партия Марказий Кенгаши Ижроия кўмитаси раисининг маънавий, мафқуравий ва ташкилий-кадрлар бўйича ўринбосарлари ҳамда Марказий Кенгаши Ижроия кўмитаси девонни ходимлари масъулдирлар.

Съезд кун тартибидан жой олган ЎЗМТДП Марказий Назорат-тафтиш комиссиясининг фаолияти тўғрисида комиссия раиси А.Тўхтабоев маъруза қилди. ЎЗМТДПнинг сайловдоқ платформаси асосий йўналишлари тўғрисида партия МК Ижроия кўмитаси раиси ўринбосари Ж.Сафоев сўзга чиқди. Анжуманда ЎЗМТДП Марказий Кенгаши ва Марказий Назорат-тафтиш комиссиясининг янги аъзолари сайланди.

Съездеда “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов тўғрисида”ги Қонуннинг 22-моддаси меъёрларига кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига кўрсатилган номзодлар маъқулланди.

Съездеда қўриб чиқилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди. Съезд ишининг якунлари, унда қўриб чиқилган масалалар ва қабул қилинган қарорлар юзасидан оммавий ахборот воситалари ходимлари учун брифинг ўтказилди.

ЎЗ МУХБИРИМИЗ

Сўз — съезд иштирокчиларига

(Давоми. Боши 1-бетда)

Чунки Самарқанд азалдан хунармандлар, усталар юрти сифатида танилган. Бу қадимий шаҳарда илмий маърифат ва зиёлилик туйғуси ҳам азалдан илдиқ отган. Биз ана шу салоҳиятдан самарали фойдаланиш учун ҳаракат қилмоқдамиз. Лекин бу борадаги фаолиятимиздан қониқиб ҳосил қилганимиз йўқ. Маърузада партия ташкилотлари олдида қўйилган вазифаларни амалга оширишда келгусида янада масъулиятни кучайтириб иш олиб бориш муҳим деб ҳисоблайман.

Дилфуза ҲАБИБУЛЛАЕВА, Ўзбекистон Миллий университети Фалсафа факультети сиёсатшунослик кафедраси доценти, ЎЗМТДП МК аъзоси:

— Мен съездимизда қўриб чиқилган партиямизнинг сайловдоқ платформасининг асосий йўналишлари ҳақида ўз фикримни баён қилмоқчиман. Аввало мазкур платформани тайёрлашда Марказий Кенгаш, партияимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, экспертларимиз иштирок этди ва бир неча марта муҳокама қилинди. Мен фақатгина масаланинг бир жиҳатига эътибор қаратмоқчи эдим. Очгини айтиш керак, бугунги сайловчи бундан 10-15 йил олдинги сайловчидан тубдан фарқ қилади. Яъни, бугун жамоатчиликнинг фикри анча юқори. Ҳаммамиз яхши англаймизки, бўлажак сайловларда яхши натижаларга эришиш, депутатлик ўринларига кўпроқ эга бўлишимизда энг асосий манбалардан бири мазкур платформамиздир. Мен юқорида бежиз жамоатчиликнинг фикри ҳақида айтиб ўтмадим. Табиийки бугунги сайловчи ҳамма сиёсий партиянинг сайловдоқ платформасини синчиқлаб ўқийди, лозим бўлса, ўрганиб чиқади. Қолаверса, мазкур ҳужжат барча номзодларимиз учун сайловдоқ учрашуварлида дастуриламал вазифасини бажаради. Платформамизнинг асосий жиҳатлари ҳақида ҳам тўхталиб ўтмоқчиман. Масалан, “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Конституциявий Қонун талабларини ҳаётга татбиқ этиш, марказ ва жойлардаги ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан қабул қилинаётган қарорлар ва уларнинг ижроси устидан жамоатчилик назоратини партия ташкилотлари ва депутатлар гуруҳлари орқали қўйириш, мазкур Қонун талабларидан келиб чиққан ҳолда “Жамоат назорати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ва унинг қабул қилинишига эришиш, фуқаролик масъулиятини ва миллий гуруҳини кучайтиришга қаратилган изчил сиёсат олиб бориш орқали одамларда Ватан тақдирига ва жамиятимизда амалга оширилаётган жараёнларга дахлдорлик туйғусини тарбиялаш кабилардир. Булар биргина сиёсий соҳада амалга оширишимизга қаратилган ишларимиз. Бундан ташқари маънавий, иқтисодий, ижтимоий соҳаларда ҳам сайловчиларнинг диққат-эътиборини тортаядиган масалалар акс этган. Уйлайманки, партиямизнинг мазкур платформаси сайлов жараёнида бизнинг партиямиз вакилларини қўллаб-қувватлаб, овоз берувчиларнинг сонини кўпайтиради.

Ғайрат ҚОДИРОВ, ЎЗМТДП Жиззах вилояти кенгаши Ижроия кўмитаси раиси:

— Мухтарам Президентимизнинг ташаббуслари билан киритилган “Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Конституциявий Қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимиздаги сиёсий партияларнинг фаолият юритишига кенг имкониятлар яратди. Бу Конституциявий Қонун нафақат Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, балки маҳаллий кенгаш депутатларининг фаолият доирасини ҳам кенгайтирди. Маҳаллий депутатлар гуруҳи билан ҳам маслаҳатлашув институти пайдо бўлди. Вилоят депутатлари бу борада қандай фаолият олиб бормоқда? Маҳаллий кенгашлар депутатлари партиянинг дастурий вазифаларини бажаришда қандай фаолият кўрсатмоқда? Гарчанд, кўпчилик вилоятлар маҳаллий кенгашларида партиянинг депутатлик гуруҳи фаолият юрляётган бўлса-да, уларнинг ишини қониқарли деб бўлмайди. Вилоятлар сессиялари кун тартибига партия ижтимоий қатлами манфаатларидан келиб чиққан ҳолда муқобил қарор ва таклиф лойиҳаларини киритиши ва унинг қабул қилинишига эришишда етарли даражада ташаббускорлик етишмаяпти. Шу билан бирга вилоятлар сессиялар кун тартибига вилоят ёки туман миқёсидаги масала олиб чиқиши ва унинг ижросини таъминлаш борасида депутатларда етарли даражада қатъиятлик бор деб бўлмайди. Партиянинг дастурий мақсадларини амалга ошириш борасида партия Дастурида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда маданий мерос объектларини тиклаш ва уларни сақлаш борасида таклифларни кун тартибига олиб чиқишда фаоллик сезилмаяпти.

Партиянинг жойларда ўз ташкилотларини мустақамлашнинг муҳим омилларидан бири депутатлик гуруҳларидир. Депутатлик гуруҳининг фаолиятини янада фаоллаштиришни ва Қонунчилик палатаси депутатлари билан тажриба алмашиш амалиётини амалга киритишни давом эттириш лозим. Бу борада муайян ишлар бошланган бўлса-да, у изчил давом эттирилмаганлиги бугунги анжуман кун тартибидagi масалалар муҳокамаси чоғида янада яққолроқ намоён бўлди. Шунингдек, партия ходимлари малакаси ва билим даражасини оширишга алоҳида эътибор қаратиш ҳам муҳим вазифаларимиздан бири деб ҳисоблайман.

Ботир НОРБОВ, ЎЗМТДП Бухоро вилояти кенгаши Ижроия кўмитаси раиси ўринбосари:

— Шу ўринда биз ютуқларимиздан кўра кўпроқ камчиликларимиз ҳақида гапирсак мақсадга мувофиқ бўлади. Хусусан, ҳисобот даврида кўпгина туман ва шаҳар партия кенгашлари ишида бошлангич партия ташкилотларининг фаолиятини жонлантириш ишлари етарли ташкил этилмаган. Айрим туманлар партия ташкилотларининг бошлангич бўғинларида тадбирларни таъсирчан, кўргазмали воситалар асосида ва ўзига хос услубда ўтказиш борасида масъулиятсизликка йўл қўйилмоқда. Энг муҳими эса партияда энг қуйи ташкилотлари орқалигина ўз аъзолари ва хайрихоҳлари сафини кенгайтириш имконияти мавжуд эканлигини айрим етакчиларимиз тўла англаб етишмаган. Шу боис партия бошлангич ташкилотларини барча ҳудудларда ташкил этишимиз олдимиздаги долзарб вазифа ҳисобланади.

Партияимиз сафида ёшлар ва хотин-қизларни кўпайтириш ва уларнинг сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг қалби ва онгида Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини тарбиялаш борасида ҳам фаоллик кўрсатишимиз мақсадга мувофиқ. Энг муҳими, халқимиз орасида истиқлол мафқурасини ва миллий тикланиш гоёсини янада ривожлантириш, миллий қадриятлар ва миллий урф-одатларимизни, менталитетимизни авайлаб-асраган ҳолда жаҳон ҳамжамиятида ўзимизнинг муносиб ўрнимизни эгаллашимиз лозим.



ЎЗМТДП ДАСТУРИ — АМАЛДА



Ёшлар етакчилари малакаси ва билимини оширишга қаратилган ўқув-семинарлари амалда ўз самарасини бермоқда.

СУХБАТ

Маълумки бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислохотларда, ижтимоий-маънавий соҳалардаги улкан янгиланишларда сиёсий партияларнинг ўрни ва роли ортиб бормоқда. Биз Қорақалпоғистоннинг энг чекка туманларидан ҳисобланган Қўнғирот туманида бўлиб, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси туман кенгаши Иброҳим Қўмитаси раиси Максет Икметов билан партия томонидан ўтган вақт мобайнида қилинган ишлар, шунингдек, жорий йил охирида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтadиган сайловга тайёргарлик жараёни ҳақида суҳбатлашдик.

Партиядошларимиз масъулиятини янада ошириш бош вазифа

Илья ДИЛЬМАНОВ, «Milliy tiklanish» мухбири

миз. Айниқса, давлатимиз раҳбари Ислам Каримов ташаббуси билан қабул қилинган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий Қонун сиёсий партияларга кенг имкониятлар эшигини очди ва айни пайтда улар зиммасидаги масъулиятини ҳам оширди. Албатта, ҳар бир сиёсий партиянинг ҳалқ орасидаги обрўи кўп жиҳатдан унинг сиёсий фаолияти ва ташаббускорлигига боғлиқ. Партиямиз фаолиятида алоҳида эътибор қаратиладиган миллий ўзигимизни сақлаш, аждодларимиздан қолган бой маънавий меросни асраб-авайлаш, ҳалқимизда ватанпарварлик туйғусини кучайтириш, оилаларнинг этник аъналарини ва миллий қадриятларнинг доимийлигини таъминлаш борасидаги амалий ишлар, ташаббуслар ҳар бир партиядошимиз қалбида эзгу мақсад эканлиги шубҳасиз. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларда ёшларимиз ҳамда хотин-қизларнинг фаол иштирокини таъминлаш, улар манфаатларини ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Чунончи, партиянинг дастурий мақсад ва вазифаларини келажимиз давомчилари саналган ёшлар ва хотин-қизлар орасида кенг тарғиб қилиш ва амалга ошириш

борасида ҳам туман партия кенгаши «Ёшлар қаноти» ва «Аёллар қаноти» изчил фаолият юритмоқда. Очиғини айтадиган бўлсак, иш фаолиятимизда уларнинг кўмаги яққол сезилмоқда. Лекин бу билан партиямиз фаолиятида камчилик йўқ, дейишдан йироқман. Сабаби, сафимизда масъулиятсизлик, ўзибўларчилик кайфиятида юрганлар ҳам топилади. Албатта, бундай партиядошларимизга шунчаки, юзаси қараб бўлмайди. Ишимизни пайсалга солаётган, ўз бурчини чуқур ҳис этмаётган сафдошларимизга, айниқса, бошланғич ташкилотларимиз етакчиларига амалий чора кўришга, кези келганда улар ўрнини ёш, изланувчан кадрлар билан алмаштиришга ҳаракат қилаёмиз.

Маълумки, партиямиз Дастурида белгиланган вазифаларни амалга оширишда бошланғич партия ташкилотлари асосий куч саналади. Шу маънода туман кенгаши таркибидagi БПТлар фаолияти бу талабга қай даражада жавоб бераёпти?

Бугунги кунда туман кенгаши 400 га яқин аъзо ва 30 та бошланғич партия ташкилотига эга. Айни пайтда куйи бўғинларимиз самарали фаолият олиб бормоқда. Бошланғич ташкилотларимиз ишини талаб даражасида ташкил этиш учун, аввало унинг аъзолари ва етакчиларини танлашда адашмаслигимиз лозим. Бу ерда албатта, гап

партия аъзолари сониди кетаётгани йўқ. Чунки, партия ташкилоти атрофида шунчаки аъзолик гувоҳнома-сига эга бўлиш, шу орқали обрў-эътибор орттириш учунгина юрганлар ҳам йўқ эмас. Лекин биз сафимизга партия Дастури ва ғояларини хурмат қиладиган, ўз вазифасини сидқидилдан бажаришга интиладиган, соф виждонли, фидойи ва фаол кишиларни бирлаштиришга ҳаракат қилишимиз керак. Шу маънода агар ўтган ойлarda фаолиятимизга назар ташлайдиган бўлсак, БПТ сафи нафақат замонавий фикрловчи, ташаббускор, ишчан аъзолар ҳисобига кўпайди, балки улар томонидан ўтказилаётган тарғибот-ташвиқот ишлари ва тadbирлар сифати ҳам сезиларли даражада ўсди.

Бугун юртимизда катта сиёсий жараён, яъни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва маҳаллий ҳокимият вакиллик органларига бўлиб ўтадиган сайловга тайёргарлик ишлари қизгин кечмоқда. Сайловларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича туман кенгаши томонидан олиб бориладиган ишлар хусусида ҳам гапириб ўтсангиз.

Туман кенгаши томонидан сайловга тайёргарлик кўриш ишлари бўйича пухта ишлаб чиқилган режа асосида тadbирлар ўтказилмоқда. Шу мақсадда жойларда, корхона ва ташкилотларда, ўқув муассасаларида партиямиздан муносиб номзодларни кўрсатишга қаратилган тарғибот ишлари олиб борилади. Таъкидлаш жоизки, бу жараён олдинги сайловлардан жиддий фарқ қилади. Буни сиёсий партияларнинг фаолиятидан ҳам сезиш қийин эмас. Қўнғирот туманида ҳам сайловнинг юқори даражада ўтиши учун барча шароитлар

яратилди. Аввало, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари депутатлигига номзодларни халқ манфаати, элимизнинг фаровон ҳаёт кечирishi учун жон куйдирадиган сиёсий жиҳатдан етук, одамлар ичида катта хурмат ва эътибор қозонган инсонлар орасидан кўрсатишга ҳаракат қилдик. Олдимизда турган шу каби ниҳоятда муҳим вазифаларни амалга ошириш учун партиямизнинг барча бўғинлари, айниқса партия бошланғич ташкилотларида амалдаги сайлов қонунчилиги тарғиботини мунтазам ва изчил олиб боришга интиляёмиз. Чунончи, жойларда ташкил этилаётган ва партиямиз манфаатига хизмат қилаётган тadbирларда аҳолини сайлов тизимининг ҳуқуқий асослари ҳисобланган ҳужжатлар «Сайлов тўғрисида»ги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қўнунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайлов тўғрисида»ги, «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида»ги, шунингдек, «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Қонунлар билан ҳам кенг таништириб бораёмиз. Бу тadbирлар нафақат халқимиз сиёсий етуқлиги ва сайлов маданиятини юксалтиришга, балки ўз тарафдорларимиз сони ошишига ҳам хизмат қилмоқда. Ҳайратангиз, бўлажак сайловлар биз учун халқимиз олдида имтиҳон вазифасини ўташи билан биргаликда, партия ғоя ва мақсадларини одамлар орасига чуқур кириб боришига яна бир имкон бўлади.

ПАРТИЯ ҲАЁТИ ХРОНИКАСИ

Миллий қадриятлар

миллий манфаатларимиз асоси

Тўмарис АЪЗАМ, «Milliy tiklanish» мухбири

Шу мавзуда ЎзМТДП Урганч шаҳар кенгаши Огаҳий номли вилоят театрида маданий тadbир ўтказди. Унда партия фаоллари, театр актёрлари, талабалар иштирок этишди.

- Глобаллашув жараёнида ёшларимизни ёт маданият ва ақидалар таъсиридан ҳимоя қилиш барчамиз учун бирдек масъул вазифа ҳисобланади. Айниқса, миллийлигимизга ўз таъсирини кўрсатаётган «оммавий маданият» кўпроқ чет эл қўшиқчилиги, кино санъати орқали кириб келаётгани ҳеч биримизга сир эмас, деди тadbирда сўзга чиққан театр режиссёри О.Абдуллаев. Шундай экан санъат аҳли олдидаги вазифалар талайгина. Жумладан, миллий ғоя, миллий қадрият ва аъналаримиз акс этган спектакллар ва бадиий фильмлар сонини кўпайтириш орқали фарзандларимиз маънавий оламининг юксалишига эришишимиз, уларни атрофда юз бераётган воқеа-ҳодисаларга юзаси қарамасликка ўргатишимиз мумкин. Президентимизнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асаридида «Барчамизга аён бўлиши керакки, қаердаки бепарволик ва лоқайдлик ҳукм сурса, энг долзарб масалалар ўзибўларчиликка ташлаб қўйилган, ўша ерда маънавият энг оқибат ва заиф нуқтага айланади. Ва аксинча — қаерда ҳушёрлик ва жонқуярлик, юксак ақл-идрок ва тафаккур ҳукмрон бўлса, ўша ерда маънавият қудратли кучга айланади», дея таъкидлангани ҳам бежиз эмас.

Ёшларни она Ватанга муҳаббат, бой тарихимизга садоқат руҳида тарбиялашдек муҳим вазифаларга қаратилган тadbир кутилганидек самарали ўтди.

- Давлатимиз томонидан аёлларнинг жамият ҳаётидаги ролини кучайтириш, ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаяпти, деди ЎзМТДП Урганч шаҳар кенгаши Иброҳим Қўмитаси раиси Отаназар Чўпонов вилоят перинталь марказида ўтказилган «Жамият тараққиётида хотин-қизларнинг туган ўрни» мавзусидаги тadbирда. Партиямиз томонидан бу каби вазифаларни амалга оширишга қаратилган кўплаб тadbирлар, семинар-тренинглари ўтказиб келинапти. Айни пайтда «Аёллар қаноти» аъзолари вилоятимиздаги аёлларнинг сиёсий фаол бўлишига эришиш билан бир қаторда ҳуқуқий саводхонлигини ошириш борасида ҳам амалий ишлар қилмоқда.

Тadbирда иштирокчилар партия ҳаёти ҳақида қизиқтирган саволларига жавоблар олишди.

ЎзМТДП Бухоро шаҳар кенгаши Бухоро Давлат университетида «Истиқлол ва ёшлар» мавзусида давра суҳбати ўтказди.

- Бугун ёшларга эътибор мамлакатимиз сиёсатининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади, деди тadbирда сўзга чиққан шаҳар кенгаши Иброҳим Қўмитаси раиси ўринбосари Д.Шарипов. - Берилаётган эътибор ва рағбатнинг самараси ўлароқ, юртимизда ҳар томонлама баркамол, жисмонан етук ва иқтидорли ёшлар камол топмоқда. Ёшларимиз истиқлол туйғули кенг имкониятларга эга бўлаётганликлари тўлиқ англаб етишлари ва албатта ўзларига яратиб берилган барча шарт-шароитларга муносиб жавоб қайтар олишлари керак. Албатта бунга кучли билми, кенг дунёқараш орқали эришиш мумкин. Партиямиз томонидан ўтказилаётган ҳар бир тadbирда йигит-қизларни янада яхшироқ билим олиш ва фаол, ташаббускор бўлишга чорляёмиз.

Тadbирда университет ўқитувчи ва талабалари, партия фаоллари «Истиқлол йилларида Ўзбекистон», «Мустақиллик ёшлар нигоҳида», «Истиқлол ва ёшлар», «Мустақиллик солномаси ва ёшлар» мавзуларида маъруза қилдилар.

Давра суҳбатида иштирокчилар университетда ҳар ойда бир марта «Миллий тикланиш кунини» ташкил этишга келишиб олдилар.

- Ота-боболаримиз халқимиз маънавий дунёсининг шаклланишига ўзларининг беқиёс ҳиссаларини қўшганлар ва бизга битмас-туганмас маънавий мерос қолдиришган, деди ЎзМТДП Бухоро шаҳар кенгаши томонидан «Буюк алломаларимиз илмий-ижодий мероси халқимиз йўлини ёритувчи тафаккур машъали» мавзусида ўтказилган тadbирда сўзга чиққан 35-ўрта таълим мактаби директори Г.Равшанова. - Аллома ва мутафаккирларимиз доим барҳаёт. Уларнинг ўлмас, ногир асарлари нафақат юртимизда, балки жаҳонда ҳам кенг ўқинилмоқда.

Давра суҳбатида ЎзМТДП шаҳар кенгаши Иброҳим Қўмитаси раиси ўринбосари Д.Шарипов «Буюк алломаларимиз илмий-ижодий мероси халқимиз йўлини ёритувчи тафаккур машъали», мактаб ўқитувчилари томонидан «Бухоролик алломаларнинг илмий-ижодий мероси зиёлилар ва ёшлар учун ибрат мактаби», «Ўзбек миллий ифтихорининг алломаларимиз илмий-ижодий асарларида акс этиши» мавзусида қилган маърузалари барчага манзур бўлди.

Тadbирда мактаб ўқувчилари нотикларга ўзларини қизиқтирган саволлари билан мурожаат қилдилар. Фаол иштирок этган ёшларга партия фаоллари томонидан совғалар тақдим этилди.

ЎзМТДП Жиззах вилоят ва Жиззах туман кенгаши «Ёшлар қаноти» фаоллари иштирокида «Биз буюк юрт фарзандларимиз» мавзусида ўқув-семинари ўтказилди.

Тadbир мазкур мавзудаги ранг-тасвир асарлар кўргазмасининг очилиши билан бошланди.

Иштирокчилар «Биз буюк юрт фарзандларимиз», «Сайловлар йили жараёнида ёшларнинг ўрни ва роли» каби мавзуларда маърузалар тингладилар.

- Ёшларимизнинг ҳуқуқий маданияти ва билимларини ошириш партия билан ҳамкорликда ўтказилаётган тadbирларимизнинг бош мақсади билан айланди, деди ФЖУИ Жиззах вилоят минтақавий ахборот-таҳлил маркази илмий ходими Э.Собиров. - Айни пайтда мамлакатимизда сайлов жараёни кетаяпти. Бугунги тadbиримиз ҳам талаба-ёшларни сайлов қонунчилигидан хабардор қилиш, мазкур сиёсий жараённи юқори даражада ўтишида ёшларнинг иштирокини таъминлашга хизмат қилади, дейиш мумкин.

Тadbир сўнггида «Ёшлар қаноти», Жиззах туман Иқтисодий коллежи ҳамда «Чолғу» ашула ва рақс ансамблининг фаоллари иштирокида театрлаштирилган бадиий дастур намойиш этилди. Партия вилоят ва туман кенгашлари томонидан бир гуруҳ талаба-ёшларга эсдалик совғалари ҳамда партия гувоҳномалари топширилди.

ТАРАДДУД

Партия ташкилотлари — сайловолди жараёнларда

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Андижон вилоят кенгаши томонидан «ЎзМТДП сайловолди жараёнларда» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Унда партия вилоят, туман, шаҳар кенгашлари фаоллари, «Аёллар қаноти», «Ёшлар қаноти» раҳбарлари, БПТ етакчилари, депутатликка номзодлар ва ОАВ вакиллари иштирок этдилар.

Тadbирни ЎзМТДП вилоят кенгаши Иброҳим Қўмитаси раиси Комилжон Отахонов очди ва олиб борди.

— Олдимизда муҳим сиёсий жараён — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашларга сайловлар яқинлашмоқда. Унинг натижасини сайловчиларнинг ҳоҳиш-истаклари ҳал этар экан, бугун биз депутатликка номзодларимиздан тортиб, шаҳар, туман партия ташкилотлари фаолларига сайловчилар олдида нима мақсадлар ва қандай дастурлар билан чиқиши-

мизни аниқ ва равшан белгилаб олишимиз керак, деди етакчи ўз сўзида. — Қачонки партиянинг ҳар бир аъзоси фидойи, фаол ва ташаббускор бўлса, бир сафда туриб амалий иш қилишга сидқидилдан ҳаракат қилса, шундагина партиянинг жамиятдаги нуфузи ва мавқеини оширишга эришамиз. Бундан кўринадики, дастурий мақсадларга уйғун тарзда қилинадиган амалий саъй-ҳаракатлар, хусусан самарали тарғибот-ташвиқот ишларининг саломатини ошириш талаб этилади. Бу ўзидан сайловларда ижобий натижага

эришишга олиб келади.

Давра суҳбатида «Сайловолди учрашувлари» очиб ва самарали мулоқот» мавзусида ЎзМТДП Андижон шаҳар кенгаши Иброҳим Қўмитаси раиси ўринбосари Қ.Одилов маъруза қилиб, номзодлар билан аҳоли ўрталарида учрашувларни тўғри ва самарали ташкил қилиш, уларни ўтказиш бўйича йўриқнома ишлаб чиқиш ҳақидаги ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтган бўлса, ЎзМТДП вилоят кенгаши «Аёллар қаноти» раҳбари Х.Мирзарахимова «Сайловлар жараёнида хотин-қизлар фаолигини ошириш» мавзусига батафсил тўхтади.

— Жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётида сиёсий партияларнинг ўрни тобора ошиб бораётган экан, бу фаолиятимизни янада кучайтиришни тақозо этади. Биз дастурий мақсадларимизни аҳоли манфаат ва эҳтиёжларига уйғун йўналтирсак, бу хайрихоҳларимизнинг орттишига омил бўлиб хизмат қилади. Хусусан,

сайловолди жараёнлар учрашувлари, тарғибот-ташвиқот ишларида кенг жамоатчилики партия Дастурига эргаштириш, энг асосийси, миллий манфаатларимизга хизмат қиладиган мақсад ва ғояларнинг етакчи кучга айланишига эришиш партиямизнинг ҳар бир фаоли олдидаги бирламчи вазифага айланиши керак, деди тadbирда сўзга чиққан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати А.Тўхтабоев.

Йиғилиш давомида ЎзМТДП вилоят кенгаши таркибидаги ҳудудий ташкилотлар фаолиятида учраётган камчилик ва муаммолар кенг таҳлил этилди. Уларни бартараф этиш борасида ўзаро фикрлар алмашилди. Сайловолди тарғибот ишларининг самардорлигини кучайтиришга доир тавсиялар берилди.

Камола АБДУВАЛИЕВА, ЎзМТДП Андижон вилоят кенгаши Иброҳим Қўмитаси Матбуот котиби

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

НИГОХ

Маънавиятни
англаш эҳтиёжи(Давоми.
Боши 1-бетда)

Охир-оқибатда маънавий ва моддий ҳаёт уйғунлиги бузиб талқин этилди. Унга «формацион», «синфий»лик асосида ёндашиш унинг моҳиятини тушунишни янада чекланишига олиб келди. «Маънавий маданият» турли хил ёндашувлар, қарашлар асосида ўрганилди. Лекин, маънавий-маданият кўпроқ дин ёки идеализм билан боғлаб талқин этилди. «Моддий маданият»га эса моддийнинг устуниги нуқтаи назаридан ёндашилди. Бу тор ва жун бир томонлама тасаввур ва қарашларнинг пайдо бўлишига, моддийликини идеаллик би-

ти билан боғлиқ фарқ яққол кўзга ташланади. Бу бугунги глобаллашу шароитида ўзининг маърифий ечимини топиши керак бўлган масалалар. У инсон моҳияти, у мансуб бўлган гуруҳ ёки қатламларнинг қарашларида маънавий ўзгаришларнинг содир бўлиши билан боғлиқ ҳодисадир. Бу маънавий маданият соҳаларида эришилган ютуқлардан оқилона фойдаланишни тақозо этади.

Албатта, «маънавий маданият» натижаларидан инсоннинг мақсади, манфаатларига зид фойдаланмасликка ундайдиган, уни тартибга солидиган, шуни талаб қиладиган қонунлар мавжуд. Бу инсонларни шунга ундайди. Маънавиятга зид иш-

чи устувор омилни ифода этади. Бу «моддий ишлаб чиқариш», «иктисодий омил»нинг тараққиётни белгилловчи роли тўғрисидаги қарашлар ва ёндашувлар ўрнида инсон тараққиёти билан боғлиқ янги ёндашувдир.

Шунинг учун маънавиятни англаш-инсон тараққиёти концепцияси билан ҳам ҳамохан. Унинг моҳиятини ифода этиш билан ҳам характерланади. Чунки дунё тараққиёти ва унинг истиқболи инсоннинг маънавияти негизига қўйиладиган ва белгиланадиган бўлса, қўллаб муаммоларнинг асл сабаблари оидинлашади, ўз ечимини топади. Инсоннинг маънавияти асосида жамиятнинг «маънавиятчи жамиятга ўтиб боришига», инсоннинг салоҳиятини намоён этишига ҳалақат қилиб турган айрим салбий омилларнинг олдини олади. Инсоннинг ўзига бўлган муносабати, ўзлигини англаши орқали содир бўлади. Муаммоларнинг илдизини ўз салоҳиятини намоён этиш имконияти даражаси, унга бўлган хоҳиш ва истак ҳамда фаолиятига боғлиқлигини тушуниб етади. Бу унинг фаолиятида туб ўзгариш ясади. Воқеа-ҳодисаларга инсон сифатида қарайди ва ёндашади. Унинг ечими тўғрисида ўйлайди, бепарқлик ва лоқайдликни инсоний моҳиятга зид эканлигини ҳаётий таомилига айлантиради.

Бу тараққиёт учун кучли импульс бўлиб, мавжуд меҳнат ресурслари салоҳиятини оширишга олиб келади. Инсонни, ҳақиқий инсонийликка тўри келмайдиган салбий ҳолатлардан ҳимоя қилади. Имунитетини мустаҳкамлайди. инсондаги — инсонийлик, меҳр-оқибат, эзгу амалларни бажаришга хоҳиш-истагини тарбиялайди. Маънавий таҳдидлар, омиллар маданиятнинг олдини олади.

Инсоннинг маънавияти моҳиятининг турли даражада намоён бўлиши, унинг руҳияти, онг ва тафаккур даражаси, билими, воқеа ва ҳодисаларга муносабати, дунёқарши, таълим-тарбияси, иқтидор, қобилияти, табиий шарт-шароитлар, ижтимоий-иктисодий омиллар билан боғлиқ, Шундан инсон қандай ҳаётий таомилни, қадриятларни ўзи учун қабул қилгани билан бир-биридан фарқ қилади. Инсоннинг маънавияти ва унинг хатти-ҳаракатлари ўрта-сиддаги мутаносиблик ҳолатлари ҳар хил даражада, муҳит, му-

лан қарши қўйишга олиб келди.

Энг аввало «маданият», «маънавият» билан «маънавий маданият» тушунчаларининг умумий ва фарқли жиҳатлари ҳақида фикр юритсак. «Маданият» тушунчаси субъект ва объект муносабатида, инсон фаолиятининг объектига таъсир қилгани, уни муайян мақсад ва манфаат йўлида ўзгартириб, маданийлаштириб фойдаланишни англатади. «Маънавият» ҳодисаси эса, асосан, субъектга, инсоннинг моҳияти-маънавиятига, уни маънавий мавжудотлигига ишора қилади. Шундан ҳар бир инсонга хос «онг», «тафаккур», «ақл», «билим» маънавий маданиятнинг унсурлари ҳисобланади. Маънавият-маданият ва маънавий маданиятдан озуқа олиши табиий. Лекин бозра онг ва тафаккурга эга инсонларни «маънавиятчи инсон» деб бўлмайди. Бу эса мушоҳада ва мулоҳазага ўрин қолдиради. Яъни, инсон ўзининг моҳиятига мос ва хос бўлмаслиги мумкин. Бу инсоннинг амалий фаолиятида «онг»дан, «ақл»дан, яъни «тафаккур»нинг маданий куч-имкониятидан, маънавий маданият унсурларидан қайси мақсадда, кимнинг манфаати учун қандай фойдаланиши унинг маънавиятини белгилловчи мезонидир.

Демак, инсон «онг» ва «тафаккур»га эга бўлиши, лекин «маънавиятчи» бўлиши ҳам, бўлмаслиги ҳам мумкин. Жамиятда маънавият инсонларни, айрим шахс ва гуруҳларни, турли қатламларни миллат ва халқларни бир-биридан фарқини кўрсатувчи ўзига хос мезондир. Ҳар бир инсон онг ва тафаккурга эга бўлса ҳам, уларнинг хатти-ҳаракатлари оқилона бўлмай, жонил, вайронкор, ёвузликни хуш бўладиган кайфиятга мойил бўлиши мумкин. Бунда маънавиятчи инсоннинг фарқи ҳам унинг «онги», «ақли»дир. Уни асраб турадиган ва йўл бермайдиган омил маънавий унсурларнинг устуворлигидир. Яъни бу «ақиллик», «онглилик» билан боғлиқ. Бу унинг учун қадриятга айланган ва қадрланади. Маънавиятчи инсон ўзи қадрлайдиган эзгу қадриятга зид ишни қила олмайди. Бунга унинг маънавияти йўл қўймайди. Маънавиятчи маънавий ва моддий ҳаёт уйғунлашади. Уни бир-биридан ажралган ҳолда тасаввур этиб бўлмайди. Бу ўзига хос қонуниятдир. Инсон ўзлигини англагани сари ўзининг маънавий моҳиятига яқинлашади. Ва нафақат ўзини, балки бошқа инсонларни ҳам англайди, унинг қалбига йўл топа олади. Бу эса, маънавиятчи инсонга хос сифатдир.

Бугунги кунда «маънавий маданият»нинг ютуқларидан инсонларнинг ҳаммаси ҳам бир хил эзгу мақсадда фойдаланмаётганлигини ҳисобга олсак, яна инсон «маънавиятчи»нинг моҳия-

ларни амалга оширган, айрим инсонларни қонун асосида тегишли жавобгарликка ҳам тортади. Лекин шунга хайрихоҳ бўлган айрим инсонларни, гуруҳ ёки кучларни «маънавиятчи» деб бўлмайди.

Инсоннинг моҳиятини англаши ва уни амалга оширишга бўлган хоҳиш-истаги ҳамда масъулияти билан боғлиқдир. Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганидек: «Инсонни инсон қиладиган, унинг онг ва руҳияти билан чамбарчас боғланган бу тушунча ҳар қайси одам, жамият, миллат ва халқ ҳаётида ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайдиган алоҳида ўрин тутайди». Ва бу маънавиятга берилган таърифда аниқ ифодасини топанлигига икром

Бундай инсонлар руҳан пок, қалбан уйғоқ, ички дунёси ва иродаси бақувват, иймон-этиқоди бутун бўлади. Бундай одамнинг онги ва тафаккури, ақли, билими, ахлоқи ва салоҳияти эзгуликка, бунёдкорлик ишларига қаратилган бўлади.

бўламиз. Яъни, «... маънавият-инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга қорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-этиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган бекиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир». Бу ҳар бир инсонга маънавиятни тушуниш, уни нима учун кераклигини англашига ёрдам беради. Шунинг ўзида муҳим эътибор инсон, юксак маънавиятчи инсон сифатида, ўзида энгилмас кучга эга бўлади. Бундай инсонлар руҳан пок, қалбан уйғоқ, ички дунёси ва иродаси бақувват, иймон-этиқоди бутун бўлади. Бундай одамнинг онги ва тафаккури, ақли, билими, ахлоқи ва салоҳияти эзгуликка, бунёдкорлик ишларига қаратилган бўлади. Ана шундай маънавиятга эга инсонлар мустақиллини асраб-авайлашади, уни ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлашда ўзида бекиёс куч тўплай олиши, машаққат ва тўсиқларни энгиб ўтишга қодир бўлади.

Ислам Каримовнинг «Маънавиятсиз-келажак йўқ» деган ғоясида инсоният тараққиётини таъминлаб турувчи, уни асраб-авайлайдиган ҳамда ҳимоя қилиш омили сифатида инсоннинг туб моҳиятини ифодаловчи маънавиятнинг келажак билан боғлиқлиги муҳимдир. Бу чуқур назарий, фалсафий ёндашув ҳамда янги ҳаёт концептуал ғояни ўзида мужассам этган. Айни пайтда тараққиётнинг омилига «анъанавий» қарашнинг ўрнида янги ҳаёт қараш, янги, замонавий ёндашувни ифодалайди. Умуман тараққиётнинг фалсафаси, унинг моҳиятига ҳам мосдир. Тараққиётнинг истиқболини белгиллов-

носабат, таълим-тарбия билан боғлиқ хусусиятлар, фарқлар ҳолида кечиши табиий. Хулоса ўрнида шунини таъкидлаш мумкинки, «маданият», «маънавий маданият» ва «маънавият» тушунчалари бири-бири билан боғлиқ бўлса-да, ҳар хил маъно ва мазмунга эга. Иккинчидан, маданият инсоннинг ташқи муҳитга онгли таъсири, ундан фойдаланишда маданий ёндашувга ўтиш, яъни «табиий ҳолатида» эмас, қайта ишлов бериб тайёрлаб, мослаб истеъмол қилишга ўтишни англатади. «Маънавий маданият»-маъналий маданиятнинг кўриниши, унинг ранг-баранглиги ҳолатидир. Табиий ҳолатидан фарқли, инсон онги, ақл-заковати, билимининг натижасидир. Учинчидан, маънавият фақат инсонга, унинг моҳиятига хос хусусиятдир. Маънавиятни ўрганиш-инсоннинг моҳияти, унинг намоён бўлиш қонуниятларини билишни тақозо этиши билан характерланади. Инсоннинг моҳиятини, мавжудлигининг сабаби, мақсадлари, ҳаётий фалсафаси билан боғлиқ хусусиятларини очиб, унга таъсир этувчи омилларни ва инсоний моҳиятнинг — маънавий даражасини намоён бўлишини ўрганишдир.

Маънавият ҳам шаклланади ва ривожланиб, юксалиб боради. Бу инсоннинг ҳаёт йўлида моҳиятини англаши, мавжудлиги ва фаолиятининг мақсади билан муштаракдир. Унинг моҳиятини белгилловчи муҳим мезондир.

Ибодулла ЭРҒАШЕВ,
Сиёсий фанлар
доктори, профессор

ХУҚУҚ ВА БУРЧ



Оила

бу борадаги қонунчиликда миллий ўзига
хослик ҳолатлари эътиборга олинди

Маълумки; мустақиллик йилларида давлатимизда амалга ошириб келинаётган ижтимоий-иқтисодий сиёсатимизнинг бош мазмун-моҳияти инсон, унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини таъминлашга қаратилган бўлиб, бу айниқса бугунги кунда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг асосий моҳияти — оиланинг мустаҳкам бўлишини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилиш, улар учун барча шарт-шароитларни яратиш беришда намоён бўлмоқда. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисида сўзлаган матрузасида таъкидланганидек: «Ҳамма нарса инсон учун, унинг келажиги учун» деган эзгу тамойилни тўлиқ амалга ошириш биз учун доим энг муҳим устувор вазифа бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

Камола ҲАМИДОВА,
Ўзбекистон Республикаси Президенти
хузуридаги Амалдаги қонун
ҳужжатлари мониторинги институти
етакчи илмий ходими

Маълумки, инсон учун у қандай ютуқларга эришганидан қатъий назар, оила муқаддас саналган. Бинобарин, Бирлашган Миллатлар ташкилоти (БМТ) томонидан 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси»нинг 16-моддаси 3-бандида «оила жамиятнинг табиий ва асосий ҳужайраси саналади ва жамият ҳамда давлат томонидан ҳимоя қилинишига ҳақли» эканлиги белгилаб қўйилган. Бу ўринда, халқаро умумэтироф этилган қоидалар асосида мамлакатимизда оилавий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишинг асоси Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг «Оила» деб номланган XIV-боби ҳамда унинг асосида 1998 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси оиланинг муқаддас эканлигини белгилаб беришга қаратилган қоидаларга ўз аксини топан. Жумладан, Асосий Қонуннинг 63-моддасида «Оила — жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга. Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилигига асосланади», деб белгиланган. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Оила кодексида никоҳ тузиш масалалари билан бирга қон-қариндошлик, фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш, ота-она ҳамда вояга етмаган болаларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болаларни жойлаштириш шакллари ва бошқа оилавий муносабатларга тааллуқли масалалар ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилган.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 23 январдаги ПҚ-573-сонли Қарори билан тасдиқланган «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурининг 5.2-банди ижросини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 17 апрелдаги 78-сонли Қарори билан «Никоҳланувчи шахсларни тиббий қўриқдан ўтказиш тўғрисида»ги Низомнинг 2, 5, 11, 29-бандларига тегишли ўзгаришлар киритилди. Хусусан, Низомнинг 2-бандига кўра, 50 ёшдан катта шахсларнинг никоҳини рўйхатдан ўтказишда тиббий қўриқдан фақат уларнинг розилигига кўра амалга оширилиши белгилаб қўйилди. Ушбу қоида эса ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 17-моддасига тегишли ўзгаришлар киритиш заруриятини келтириб чиқарди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Маж-

лиси Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида ишлаб чиқилган «Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 17-моддасига қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси томонидан 2009 йил 11 мартда қабул қилиниб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг XIX ялпи мажлисида 2009 йил 29 август куни маъ-

Мазкур қонуннинг асосий мақсади — никоҳланувчи шахсларнинг тиббий қўриқдан ўтиш тартибини такомиллаштириш ва уларга қулай шарт-шароитлар яратишга қаратилган. Ушбу Қонунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 17-моддасига, яъни никоҳланувчи шахсларни тиббий қўриқдан ўтказиш ҳақидаги қоидаларга аниқлик киритилиб, қуйидаги мазмундаги иккинчи қисм билан тўлдирилди: «Эллик ёшдан ошган никоҳланувчи шахслар тиббий қўриқдан ўз розилиги билан ўтказилади».

куланди. Мазкур 2009 йил 8 сентябрда матбуотда эълон қилинди ва кучга кирди. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 17-моддасига қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни 2 моддадан иборат.

Мазкур қонуннинг асосий мақсади — никоҳланувчи шахсларнинг тиббий қўриқдан ўтиш тартибини такомиллаштириш ва уларга қулай шарт-шароитлар яратишга қаратилган. Ушбу Қонунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 17-моддасига, яъни никоҳланувчи шахсларни тиббий қўриқдан ўтказиш ҳақидаги қоидаларга аниқлик киритилиб, қуйидаги мазмундаги иккинчи қисм билан тўлдирилди: «Эллик ёшдан ошган никоҳланувчи шахслар тиббий қўриқдан ўз розилиги билан ўтказилади».

Маълумки, мамлакатимизда оила қуриш арасидаги ёшлар бир-бирининг саломатлиги ҳақида аниқ маълумотга эга бўлишни таъминлаш орқали келгусида бепарзандлик, жисмоний, руҳий ривожланишда нуқсонли бўлган бола туғилишининг олдини олишга, никоҳланувчилардан бирининг соғлиги билан боғлиқ нохушликлар боис ажралишларнинг камайишига эришилмоқда, оналар ўлими, ногирон болаларнинг туғилиши тобора камайиб бормоқда. Бундан ташқари, ёшларнинг тиббий маданиятини ошириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш бо-

расида тарғибот-ташвиқот ишлари натижасида ёшларимизда тиббий қўриққа нисбатан қизиқиш ошмоқда. Жумладан, статистик маълумотларга қараганда, агар 1999 йил тиббий текширувдан ўтиш даражаси 40-50 фоизни ташкил қилган бўлса, ҳозирги кунда 100 фоизни ташкил этмоқда.

Албатта, бунинг учун республикамизда ўтган мустақиллик йилларида мавжуд барча фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш (ФХД) органлари томонидан никоҳланувчи шахслардан аризалар қабул қилинган ва никоҳланувчи шахсларнинг давлат соғлиқни сақлаш тизими муассасаларида тиббий қўриқдан ўтишлари учун етарли шарт-шароитлар яратилиб келинмоқда. Шу билан бирга, ФХД органлари ва статистика бошқармаси маълумотларига кўра, никоҳларни қайд этиш амалиётида никоҳланувчи шахсларнинг 50 ёшдан ошганлиги сабабли улар томонидан тиббий қўриқдан ўтишни рад этиш ҳолатлари ҳам учраб турган. Бунинг асосий сабабларидан бири сифатида, ёши 50 дан ошган никоҳланувчи шахслар орасида ўзаро фарзандлари борлари, кўп йилдан бери бирга яшаётганлари ҳам мавжуд бўлган. Натижада, улар томонидан тиббий қўриқдан ўтиш рад этилган. Бошқача айтганда, ёши 50дан юқори бўлган никоҳланувчи фуқароларнинг баъзилари ўз ихтиёри билан тиббий қўриқдан ўтиш орқали, айримлари эса тиббий қўриқдан ўтмаган ҳолда никоҳ тузишган. Шу боисдан, «Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 17-моддасига қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан Оила Кодексининг 17-моддасига киритилган қўшимчани мен-

талитетимизга хос бўлган миллий қадриятлар ва анъаналар, замонавий ҳуқуқшунослик таърихларини уйғунлаштирган ҳолда ифода этилган ҳуқуқий қоидалардан бири сифатида эътироф этиш мақсада мувофиқдир. Бундан ташқари, ушбу қоидадан Бирлашган Миллатлар ташкилоти (БМТ) томонидан 1966 йил 19 декабрда қабул қилинган «Фуқаролар ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида»ги Халқаро Пактининг 23-моддаси 4-банди қоидаларига («мазкур Пактда иштарок этувчи давлатлар никоҳдан ўтишда, никоҳда бўлган вақтда ва у бекор қилинаётганда эр-хотинларнинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари тенглигини таъминлаш учун зарур чоралар қўришириш лозим») амал қилишининг ёрқин ифодаси бўлиб ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимиз миллий қонунчилигидаги мазкур ўзгариш юртимизда истиқомат қилаётган турли миллат ва элатларнинг ўзига хос урф-одатлари, маҳаллий ва миллий хусусиятларини инобатга олган ҳолда оилани мустаҳкамлашга, маънавий ва жисмоний соғлом авлодни тарбиялашга, оиланинг ижтимоий, иқтисодий, маънавий-ахлоқий манфаатларини ҳимоя қилишга, Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексидаги никоҳланувчи шахсларни тиббий қўриқдан ўтказиш назарда тутилган қоидаларини такомиллаштиришга қаратилган десак, муболаға бўлмайди.

МАЪНАВИЯТ

АКССАДО

Олимлар бешиги

Маърифатли инсон ҳаётини китобсиз, кутубхоналарсиз тасаввур қилиши қийин. Шоир айтганидек, "Китобга нигоҳ ташлаш ҳам кишини олижаноб ишларга бағишлайди". Бу жой ҳақиқатан олимлар бешигидир. Бугунги кунда мамлакатимизда соҳада катта ислоҳотлар олиб борилмоқда. Хусусан, жойларда ахборот-ресурс марказларининг моддий-техник базасини янада яхшилаш, кадрлар салоҳиятини ошириш, ахборот кутубхоначилиги иш фаолиятини кучайтириш энг асосий вазифалардан саналади. Бу борада олиб борилётган ишларни тарғиб қилиш, аҳолига тушултиришда оммавий ахборот воситалари етакчи роль ўйнайди. "Миллий тикланиш" газетасининг 2009 йил 4 ноябрь сонидан эълон қилинган "XXI аср кутубхонаси" мақоласини ўқиб, ҳаёлимдан шу фикрлар ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 20 июндаги «Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида»ги Қароридан мамлакатимиз кутубхоначилиги тизимини ислоҳ қилиш ҳозирги босқичда энг муҳим вазифа эканини давлат сиёсати даражасида эътироф этилди. Бугунги кунда Халқ таълими вазирлиги тизимига ўқувчилар ва ўқитувчиларга, кенг китобхон оммасига 8502 мактаб кутубхоналари, 101 та мактабдан ташқари таълим муассасалари кутубхоналари, 1212 та таълим муассасаси ахборот-ресурс марказлари, 15 та ВХТМОМИ ҳамда 5 та педагогик олийгоҳ ахборот-ресурс марказлари хизмат кўрсатмоқда. Уларнинг китоб фондида 26388705 нуска адабиётлар мавжуд. Китобхонлар сони 6587416 нафарни ташкил этмоқда. Ташкилий техникадан компьютерлар - 3206 дона, видео - 414 дона, аудио - 129 дона, нуска кўчириш аппарати - 1179 тани ташкил этмоқда. Ахборот-ресурс марказларининг 74 таси интернет тармоғига уланган.

Республика таълим кутубхоналари, ахборот-ресурс марказлари томонидан болаларни китобхонликка ўргатиш, ижодий фаолиятга жалб этиш орқали ўсиб келаётган ёш авлодни билимли, маънавий юксак шахс этиб шакллантириш борасида маълум ишлар бажарилмоқда. Жумладан, фанлар ҳафталиги, турли кўргазмалар, янги китоблар тақдими каби оммавий тадбирлар йил сайин мактаб ҳаётининг ажралмас қисмига айланиб бораётди. Республика миқёсида бир неча йиллардан буюн «Илмнинг энг яхши АРМ мутахассиси», «Илм кутубхонаси», «Китобсеварлар», «Жаҳон халқ озғани ижоди билангонлари», «Энг яхши китобхон» каби кўрик-танловлар мунтазам ўтказиб келинмоқда. Бу мактаб кутубхоналари, ахборот-ресурс марказлари ўртасида соғлом рақобат муҳитини вужудга келтиришда муҳим вазифа бўлмоқда. 2008-2009 ўқув йилида таълим тизимидagi кутубхоначи, АРМ ходимларининг 2241 нафари малака ошириш институтларида ўз малакаларини оширилди.

Ҳозир Вазирлар Маҳкамасининг «Умумтаълим мактаблари учун дарсликлар ва ўқув адабиётларини нашр этиш тизимини такомиллаштириш»

лойиҳасининг 2-босқичи тўғрисида»ги қарори ҳамда бошқа тегишли ҳужжатлар доирасида умумий ўрта таълим муассасалари кутубхоналарининг меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш, уларни ахборотлаштириш, таълим жараёнини илмий-методик жиҳатдан қўллаб-қувватловчи марказларга айлантириш борасида амалий ишлар олиб борилмоқда. Жорий йилда 1000 та ахборот-ресурс маркази 2803099 АҚШ долларига тенг техник жиҳоз, 475 минг долларлик кутубхоначилик мебели билан таъминланди. Йил охиригача 700 номдаги 200 минг АҚШ долларлик қўшимча лотин алифбосидаги адабиётлар билан таъминланиши режалаштирилган.

Ҳозирги вақтда мактаб кутубхоналарини, ахборот-ресурс марказларини электрон дарслик ва қўлланмалар билан бойитиш устида ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 50 та электрон дарслик ишлаб чиқилган ва таъриба-синовдан ўтказилган. Бу йилда бошлаб Республика илмий педагогика кутубхонаси НР ташкилоти, Ёш дастурчиларни қўллаб-қувватлаш маркази билан ҳамкорликда республикамизнинг Сирдарё вилоятида ва Тошкент шаҳридаги бир неча мактабларда «КАДАТА» кутубхоначилик автоматлаштирилган дастурини синовдан ўтказмоқда. Синов натижалари муваффақиятли яқунланса, барча таълим тизимидagi АРМлар ана шу дастур билан таъминланиши режалаштирилган.

2009 йилнинг апрель ойида Сурхондарё вилоятининг Бойсун туманида «Замонавий кутубхоначи, профессионализм ва шахс» мавзусида ахборот-ресурс марказлари ходимлари учун ҳудудий семинар ўтказилди. Шу йилнинг октябрь ойида эса Хоразм вилоятида ахборот-ресурс марказлари ходимлари учун «Замонавий ахборот-ресурс марказини ташкил қилишга қўйилган талаблар» мавзусида семинар бўлиб ўтди. Ўқувчи-ёшларни ҳар томонлама баркамол, соғлом фикрлаш, билимли қилиб тарбиялаш мақсадида амалга оширилётган бундай ислоҳотлар келгусида ҳам ўз самарасини бериши шубҳасиз.

Дона ГАНИЕВА,
Республика илмий педагогика кутубхонаси директори



Республика кутубхоначилиги ишидаги катта ўзгаришлар кутубхоналарнинг ахборотлаштириш томон кескин ўзгарилиши, маданият муассасасидан ахборотлаштирилган ижтимоий-маданий тузилмага айланиши ва кутубхоначилик ишини ахборот-кутубхоначилик фаолиятига олиб келганлигини қайд этиш муҳим. Утган даврлар ичида кутубхоналарга имкон қадар кўпчилик учун чекланган манбалардан фойдаланиш имкониятини яратиш вазифаси қўйилган бўлса, ҳозирги пайтда ахборот-кутубхона муассасаларининг асосий вазифаси аҳолининг барча қатламларини мамлакатимиз ва дунёдаги бор ахборот маълумотлардан баҳраманд қилиш вазифаси қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 20 июндаги «Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида»ги қарори эълон қилинганига уч йилдан ортиқ вақт ўтди ва ахборот-кутубхона муассасалари фаолиятини ахборотлаштириш томон ўзгаришнинг қайд этиш мумкин. Янги типдаги кутубхонанинг биринчи галдаги энг муҳим вазифаси ўз фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларни жорий этиш – ахборот технологиялари бўйича малака ошириш, кутубхона жараёнларини автоматлаштириш, ўзининг электрон ахборот ресурсларини шакллантириш, китобхоналарга намуналий хизмат қилувчи ва ахборот етказиб берувчи виртуал кутубхоналар ташкил этишдан иборатлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Соҳадаги муҳим янгиликлар ва ислоҳотлардан бири – бу Респуб-

Ахборот-кутубхона равнақи

Ўзбекистонда бундай марказларнинг фаолияти ва истиқболлари қандай?

лика ахборот-кутубхона тизими фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Идораларо кенгаш таркиби тасдиқланиб, Идораларо кенгашнинг ишчи органи деб Ўзбекистон Миллий кутубхонаси белги-ланганидир. Ахборот-кутубхона фаолиятини ривожлантириш, меъёрий ҳуқуқий негизини яратиш мақсадида ахборот-кутубхоначиликка оид 55 та давлатларо стандартлар давлат тилида қабул қилинди ва 2 та миллий стандартлар ишлаб чиқилди. Ўзбекистон Миллий кутубхонаси билан биргаликда 2 та кутубхоначилик ишга оид қонун лойиҳалари - «Ахборот-кутубхона фаолияти ҳақида» ва «Ҳужжатларнинг мажбурий нусхаси тўғрисида»ги ҳужжатлар тайёрланди. Ушбу қонунлар ахборот коммуникация технологияларини ҳисобга олган ҳолда ишланди. Ҳозирги кунда «UZMARC» - библиографик ёзувларни машина ўқий оладиган қўришда тақдим этишнинг миллий коммуникатив формати (UNIMARC версияси асосида) яратилиши бўйича иш олиб борилмоқда.

Ахборот-кутубхона марказлари зиммасига қўйилган асосий вазифалардан бири - универсал ахборот ресурслари, миллий ва хорижий нашрларнинг (босма, аудиовизуал, электрон ва бошқа) фондиди шакллантириш, сақлаш ва фойдаланиш учун шароитлар яратишдир. Бугунги кунда ахборот-кутубхона марказлари фонди 4,8 млн. нусхани, электрон каталоги эса 200 мингдан ортиқ ёзувни ташкил қилади. АКМлар ўзининг фондлари асосида электрон нашрларни ҳам яратишмоқда. Барча марказларнинг китобхоналари ZivoNET ахборот тармоғидан фойдаланиш имкониятига эгадир. Ёш дастурчиларни тайёрлаш ва қўллаб-қувватлаш маркази билан ҳамкорликда ахборот-кутубхона жараёнини автоматлаштириш мил-

лий тизими КАДАТА яратилди ва жойларда жорий этилмоқда. Бу тизимни қўлланиши аҳолига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишни сифат жиҳатидан янги даражага кўтарди ва унинг илмий, таълим, ахборот ва маданият соҳасидаги қизиқшларини замонавий ахборот технологиялари асосида тезкорлик билан қондиришга йўналтирилган. Ҳозирги кунда электрон ресурслардан ташкил топган электрон кутубхоналар, йиғма электрон каталог яратиш учун корпоратив каталоглаштириш марказини яратиш устида ишлар олиб борилмоқда. Ахборот-кутубхона марказларига нафақат электрон каталог, балки тўла матнли маълумот базаларини яратиш, йиғма электрон каталог орқали ахборот ресурсларини бирлаштириш каби вазифалар турibdи. Электрон ресурслар яратиш борасида Республика ахборот-кутубхона маркази ўз олдига 2009-2011 йиллар мобайнида қартомқали каталогларни электрон каталог қўринишига ўтказиш (ретроконверсия), китобларнинг электрон коллекциялари, электрон журнал ва газеталарни яратиш каби ишларни режалаштирмоқда.

Ахборот-кутубхоначилик фаолияти борасида кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш Республика ахборот-кутубхона марказининг стратегик масалаларидан биридир. Ахборот-кутубхона марказлари жойларда ахборотлаштириш ва кутубхоначилик иши соҳасидаги ахборот-ресурс марказлари ва бошқа кутубхоналар фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда ташкилий-методик жиҳатдан таъминлаш вазифасини бажариб келмоқда. Жойларда ахборот-кутубхона тизими фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Идораларо кенгашлар учун ишнинг олиб бораётди. Ахборот-кутубхона марказлари директорлари бу кенгаш-

ларда маъсул котиб вазифасини бажариб келишяпти. Бу борада ахборот-кутубхона марказлари ҳудуддаги ахборот-ресурс марказлари, Мудофаа вазирлигининг кутубхоналари билан яқиндан ҳамкорлик қилишмоқда. АКМ, АРМ ва кутубхоналар учун қатор малака ошириш курслари, семинар-тренинглари, китобхон конференциялари, давра суҳбатлари ва бошқа тадбирлар ўтказилаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг буйруғи асосида ҳар бир вилоят ахборот-кутубхона маркази негизда Ёш дастурчиларни тайёрлаш ва қўллаб-қувватлаш марказининг ҳудудий тузилмалари ўрнатилган тартибда очилмоқда. Бу ҳудудий тузилмаларни очилган асосий мақсад - вилоятлардаги ёшларни янги АКТ технологияларга жалб қилиш, янги кадрларни тайёрлаш ва иш жойлари билан таъминлашдир, ҳудудлардаги АКТ компаниялар учун мутахассислар тайёрлашдир. Ёш муҳими - АКМлар фаолиятига АКТларни жорий этишда яқиндан ёрдам беришдир.

Ахборот-кутубхона муассасалари фаолиятининг ижобий таърибаси билан бир қаторда ахборот-кутубхоначилик соҳасидаги муаммолар ва уларнинг ҳал этиш йўллари ҳақида яқинда Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан таъсис этилган «Kutubxona.Uz» журналида эритилиб борилади. Ўйла-мизки, журнал ахборот-кутубхона ишининг равнақига, унинг манфаатига хизмат қилади. Таъкидланган масалаларнинг тўлиқ ва тизимли равишда амалга оширилиши, нафақат кутубхоналарни, балки республика фанининг ва иқтисодиётининг янада жадал ўсишига ёрдам беради.

Алишер ЭШМАТОВ,
Республика ахборот-кутубхона маркази директори

МУТОЛАА

Истиқлол йилларида миллий мафқуранинг энг таъсирчан соҳаси, миллионлаб ёшу қариларнинг қалбига, шуурига кириб бориш қудратига эга бўлган адабиётимиз янада жонлангани, қад ростлаётгани шубҳасиз. Шўролар даврида ижодкорларимиз миллий руҳи кишанларда бўғилиб қолгани аянчли эди. Йиғинларда, мажлисларда она тилида гапиришга руҳсат йўқ эди.

Маҳкам МАХМУДОВ,
Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ

Уша вақтдаги вазият ҳақида атоқли шоир ва моҳир таржимон Мирпўлат Мирзо «Сурур» китобида қарасангиз, ушбу саҳифанинг фил қарасангиз, унда ҳам кетмагани ҳақида Абдулла Қаҳҳор айтиб берган бир ривоятни эслаб, бундай дейди: «Инсон ҳам узоқ йиллар қулликда яшаसा, унда қўлидаги, миёнадаги кишанга нисбатан меҳр уйғона бошларкан. Бизнес халқимиз ҳам ўтган асрларда узоқ вақт (оғаларга) муғеъликни бошдан кечириб, ўзини мулқат кишандан қилиб ташланган сиёсат занжирларига меҳр кўя бошлаганди».

Устозимиз Асқад Мухтор истиқлол йилларида «Изчил рух» мақола-сида Закий Валидий ҳаёти ва ижоди билан ёш авлодни таништирди. Мирпўлат Мирзонинг ҳам «Сурур» китобида «Валидий закоси» деб номланган мақола ўрин олган. Мирпўлат Мирзо ушбу мақолада туркий халқларнинг тарихи, маданияти, мафқурасини чуқур ўрганиб, томон асарлар ёзган бу заковатли зиё-

лининг улкан хизматларини алоҳида таъкидлайди.

Шекспирнинг «Ёз кечасидаги туш», Лессингнинг «Донишманд Натан» драмаларининг таржимони, шоир Мирпўлат Мирзо фақат шеър ёзиш билан чекланмай, истиқлолга ҳам ва ундан кейинги давр Ўзбекистон ва жаҳон маданияти ҳамда ижтимоий ҳаётнинг долзарб муаммолари ҳақида қизгин публицистик асарлари билан мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, халқимизнинг миллий тикланиши йўлида фаол хизмат қилмоқда. Шоир «Сурур» тўпламида «Қаноат фароғати» мақоласида Ватанимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма йиғилишида Юртбошимиз қилган маърузасидаги муҳим масалаларга эътиборимизни қаратади. Маърузада кейинги йилларда давлат бошқаруви тизимининг 20 та органи (маҳкамаси) қайта ташкил этилгани ва 40 мингдан зиёд штат бириги тугатилгани, яъни бошқарув ходимлари сони 22 фоизга қисқартирилгани айтилган. Шоир ёзади: «Эндиликда бирон бир корхона ёки жамо-

Истиқлол ва шоир

ага раҳбарлик қилиш, одамларни янги мақсадлар сари руҳлантириш осон иш эмас».

Шоир ва публицистнинг мана бу фикрларида ҳам истиқлол самарадорлигининг насими эсиб туради: «Бугунги кунда турли соҳаларда корхоналар ва идораларни, банкларни бошқараётган навиқорон раҳбарларни кўриб ҳавасинг келади. Улар ўз соҳаларининг етуқ билимдонлари бўлиб, ишда дадил ҳаракат қиладилар... Бундай раҳбарлар кўзида ҳаммаша меҳр товланади, вужудидан нур ёғилади. Улар ҳеч қачон ходимларидан ўзини бандан тутмайди, аксинча уларнинг ташвиши ва муаммоларини ўзига яқин билади».

Мирпўлат Мирзонинг «Сурур» китобидаги «Самарқанд маърифати» лавҳасида Президентимиз Исроом Каримовнинг бу қадимий ва навиқорон шаҳар ҳақида айтган қуйидаги сўзлари эпиграф қилиб олинган: «Жаҳоннинг барча ҳудудларидан илм тилаб, инсонлар Самарқандга интиланганлар. Чунки дунёнинг энг катта ва бой кутубхоналари, ўша замоннинг энг зур дорулфунунлари, мадрасалари, энг машҳур алломалар айнан шу ерда, мана шу заминда фаолият кўрсатар эди».

Атоқли шарқшунос устозлардан Исмаилю Абдуллаевнинг «Самарқандлик қирқ олим» китобида ана шу алломаларнинг исмлари ва асарлари ҳақида

қимматли маълумотлар бор. Мирпўлат Мирзо «Самарқанд маърифати»да ана шундай буюк зотлардан бири - (Алишер Навоий 1465-1469 йилларда Самарқандда яшаган), Навоий қайсибир сабаб билан Ҳиротдан «ихрон этилгани» (Бобур сўзи) ҳақида фикр юритади. Навоий нима сабабдан султон Абу Саид томонидан Ҳиротдан чиқариб юборилгани бугун аниқланган. Алишер шаҳзода, амирзода Ҳусайн билан яқин дўстлигини ҳамма билар эди. Амирзода - мирзо Ҳусайн ибн Мансур ибн Бойқаро эса ўша йиллари Абу Саид раҳбар бўлиб турган марказий ҳукуматга қарши исён кўтариб, қўшин Тўлаб, Астрабод ва Ҳоразм каби бир қанча бой вилоятларни босиб олган эди. Султон Абу Саиднинг ўрнида бошқа подшоҳ бўлганда эҳтимол, қаттиқроқ чора кўрган бўлар эди. Иккинчи томондан эса султон Абу Саид нақшбандия тариқатининг пири хожа Убайдуллоҳ Ахорнинг шоғирди бўлиб, бошқа теурийларга нисбатан (масалан, Мирзо Улуғбек ва Абдуллатифдан кейин Самарқанд тахтига ўтирган Абулқосим Бобурга нисбатан адолатлироқ эди. У пири Хожа Убайдуллоҳнинг тақлифи билан мўъуллар истило-си давридан буюн давом этаётган, халқ учун оғир зулм бўлган тамга солигини бекор қилган. Кўпчилик шоирлар шу муносабат билан мақтов шеърлар ёзмишган. (Қаранг: Сайид Роким. Тарихи қасира).

Тарихчи Хондамир эса Навоийни Самарқандга илм таҳсили учун борганлигини айтади. Мирпўлат Мирзо «Самарқанд маърифати»да шу фарзи ҳақиқатга яқин, деб ҳисоблайди. Чиндан ҳам Алишер Самарқандда Фазлуллоҳ Абу-Лайс мадрасасида ўша даврда ўқитиладиган барча фанлардан асосий, чуқур билимлар олган. Шу маънода Навоий кейинчилик, форсий ва туркий шеърларни кўёш юксаклигига кўтариш билан айна вақтда илоҳиёт, тарих, фалсафа, санъатшунослик соҳаларида буюк асарлар ёзади.

«Сурур» китобининг «Янги манзиллар шувъласи» бўлимида шоирнинг Югославияга, Японияга, Жанубий Кореяга, Россияга, Озарбайжонга саёҳат ва хизмат сафарлари вақтида олган таассуротлари жонли ва қизиқарли тарзда ҳикоя қилинган. Россия саёҳатида Халқаро Ёзувчилар уюшмасида, «Иностранная литература», «Дружба народов» журнали тахририятида бўлган ижодий учрашувлар, Евгений Евтушенко, Раул Ҳамзатов, Андрей Вознесенский, Давид Кугултинов, Юрий Бондарев, Мустай Карим каби таниқли адиблар, шоирлар билан суҳбатлар мазмуни билан танишасиз. Озарбайжон учрашувларида табиий равишда Низомий ва Навоийнинг «Ҳамса» дostonлари, Низомий «Ҳамса»сининг 1-дostonи «Мазанул-асрор» ва Ҳайдар Хоразмийнинг «Гушанул-асрор», Низомий ва Оғаҳийнинг «Хафт пайкар» («Етти гўзал») дostonлари, шоҳ Қосим Анавар, Фузайлийга ўзбекларнинг меҳр-муҳаббатлари ҳақида сўз боради.

Мирпўлат Мирзо тўплами асосан унинг публицистикасидан иборат бўлса-да, унинг «Қалбимдасан, Ватан» бўлимида «Истиклол», «Шаҳидлар хиббони», «Ошоба», «Файзулла Ҳўжаев», «Аквал Икромов», «Чўлпон», «Навоий васыяти», «Армон», «Фархрийлар» «Ўзбекистон», «Қуйламай бўлурми сени истиклол?», «Онасан табиат», «Коинот фарзанди» каби ижобий маънода ижтимоий-сиёсий, миллий мафқураи мустаҳкамловчи, эҳтиросли шеърлари ўрин олган.

«Сурур» тўпламида муаллиф Норикои Такаяма, Андрей Турков, Станислав Говорукин, Александр Зиновьев каби таниқли публицистларнинг долзарб мавзулардаги мақолаларининг таржималари ҳам киритилган, бу асарлар бизнинг ёш журналистларимиз учун ҳам маҳоратини оширишга ёрдам бериши табиийдир.

Мирпўлат Мирзонинг «Сурур» тўламинида шеърят, бадий ижод, илҳом ҳақида суҳбатлар ҳам берилганки, буларни ўқиганда бадий адабиёт, шеърят, халқ, миллатнинг маънавий тикланишида, инсонлар руҳий оламни гўзаллаштиришда бебаҳо хизмати борлигини янада чуқурроқ англаймиз. Хуллас, «Сурур» тўлами миллий истиқлол давридаги халқ ҳаётини, замондошларимизнинг руҳиятидаги жиғидий ўзгаришларни ҳаққоний акс эттирди. Китобнинг сўнгги саҳифасини ёпганингизда ўзингизни маънавий ва маърифий жиҳатдан анча бойиганингизни, юксалганингизни ҳис этасиз. Китоб сизни Ватанимиз, халқимиз равнақи учун эзгу ишлар қилишга руҳлантиради.

ЖАРАЁН

2009 йил — «ҚИШЛОҚ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ФАРОВОНЛИГИ ЙИЛИ»

Муस्ताқиллик шарофати тўғрисида қишлоқ кишилари мулкдор бўлишдек катта имкониятга эга бўлдилар. Кечаги деҳқон ва оддий ишчи бугун ўз мулкига эркин ээлик қиладиган катта мулк соҳибига айланди. Улар фермерлик, тадбиркорлик ортдан катта даромад топиб, фаровон умр кечирмоқдалар. Истиқлол тўғрисида юртимиз қишлоқлари қиёфаси тубдан ўзгарди. Хаттоки энг олис, энг чекка қишлоқ ва овулларда ҳам янги лойиҳаларда барпо этилган замонавий қиёфадаги мактаб, коллеж, спорт иншоотлари чиройли ва шинам қурилган маҳалла гузарларига нигоҳингиз тушади.

Тадбиркор қурган гузар

Анорбой НОРҚУЛОВ,
«Millyi tiklanish» мухбири

Қишлоқ тадбиркорларининг ўз кучлари ҳисобидан замонавий қиёфадаги маданий-маиший хизмат ва сервис хизмати кўрсатиш объектлари, кичик корхоналар бунёд этилапти. Бу эса қишлоқларимиз катта иқтисодий ўзгаришларга юз тутаётганлиги, маданий-маиший интилишларда шаҳарликлардан қолишмаётганидан яққол далолатдир.

«Шўразақ» қишлоқ фуқаролар йиғини Сайхунбод туманидаги йирик аҳоли масканларидан саналади. Худудда 6 та умумтаълим мактаби, 1 та касб-хунар коллежи, 3 та қишлоқ шифохонаси фаолият кўрсатмоқда. Аҳоли масканида кейинги йилларда тадбиркорлик кенг ривож топди ва қишлоқ мулкдорлари томонидан бир қатор иншоотлар бунёд этилди. Жумладан, тадбиркор, ишбилармон аёллар Мавлуда Зиёдова, Жумагул Солихова томонидан қишлоқ марказида 2 та тикувчилик цехи ишга туширилди. Натияжада худуддаги қўлида хунари бор, аммо ишламай уйда

бекор ўтирган 15 нафар қиз-жувон доимий иш билан таъминланди. Икки тадбиркор аёлнинг бу хайрли иши тўғрисида қишлоқ хотин-қизлари турли бичимдаги костюм-юбка, кўйлак ва тўй либосларини шу ернинг ўзида тиктириш имкониятига эга бўлдилар. Шу худудда яшовчи тадбиркор шифокор Урозбой Қўнишев эса бир йўла 25 нафар беморга тиббий хизмат кўрсатадиган, энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган хусусий шифохонасини ишга туширди. Тадбиркор — шифокорнинг бу хайрли иши барчани бирдай хурсанд этди. Қишлоқнинг яна бир ишбилармон, тадбиркори Одилжон ҳожи Бердалиев эса ўз сармоёси ҳисобидан «Жуманота» маҳалла гузарини қуриб, ишга туширди.

Қўрақ, замонавий қиёфада бунёд этилган бу гузардан 300 ўринга мўлжалланган тўйхона, 60 ўринли чойхона, 40 ўринли мехмонхона, 10 дан ошқ савдо дўконлари ва 5 та «Сервис хизмати» кўрсатиш шахобча-

лари ўрин олган.

Улар ёнида эса ҳозирги кунда автоқилғи шахобчалари, барча қўлайликларга эга бекат, автомашиналар учун гараж бунёд этилмоқда.

— Маҳалла гузарини ҳозирги кунда бунёд этилаётган катта ўзбек тракти бўйидаги бўш ётган жойда барпо этдик, дейди биз билан суҳбатда тадбиркор Одилжон ҳожи Бердалиев. — Бундан кўзланган мақсад Фарғона водийсида юртимизнинг қадимий шаҳарлари бўлган Самарқанд, Бухоро, Хоразм томонларига кетаётган ёки келмаётган ҳамюртларимиз, ушбу сўлим масканда бир зум тўхтаб, яхши ҳордиқ чиқаришини кўзлаганмиз. Меҳмонларимиз учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилган. Уларни қўлимизни кўксимизга қўйиб иззат-иқром билан кутиб олиб, яхши кузатиб қўямиз.

Қишлоқ ҳаёти билан яқиндан танишар эканмиз, ушбу худудда ишнинг кўзини билган, тадбиркор, ишбилармонлар кўпчилигига ишонч ҳосил қилдик. Уларнинг қўлайчилиги яхшиликдан далолат. Чунки тадбиркорлар қанча қўлайса, юртимиз шунча фаровон ва обод бўлади.

ФАОЛИЯТ

Маънавий етук ва соғлом ўғлонлар

Пайариқ ўқув спорт-техника клубида тарбияланишмоқда

Жамиятимизнинг барча соҳаларида бўлгани каби юртимиз тинчлиги ва барқарорлигини мустаҳкамлаш йўлида ҳам қатор ютуқларга эришилмоқда. Жумладан, мамлакатимиз Қуролли кучларига, халқ хўжалиги тармоқларига оммавий техник касбдаги мутахассислар тайёрлаб бериш, ёшларни қақирувга тайёрлаш, ватанпарварлик тарғиботини кучайтириш, ҳарбий хизматга қақирлувчиларда бошланғич билимларни, кўникмаларни шакллантириш, спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантиришда Пайариқ тумани «Ватанпарвар» кенгаши тасарруфидоги ўқув спорт-техника клубининг ҳиссаси катта бўлаётди.

МУЗЕЙДА

Ўзбекистон Давлат санъат музейида Бадий академияси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ва Франция элчихонаси ҳамкорлигида нодир санъат асарларини амалиётда таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

Асарлар таъмирланмоқда

Юртимизда маънавий-маърифий соҳаларда улкан ишловлар амалга ошириляпти. Миллий маданиятимиз, санъатимизни янада раванг топтириш, урф-одат ва анъаналарни тиклаш, асраб-авайлаш, тарғиб этиш ҳамда соҳага оид чуқур илмий тадқиқотлар олиб боришга алоҳида эътибор қаратилган.

2008 йил 12 сентябрда қабул қилинган «Музейлар тўғрисида»ги Қонун асосида республикамизнинг саксондан ортиқ музейларида амалий ишлар изчил олиб борилмоқда.

Франция реставраторлари Ўзбекистон санъат музейида, Бадий академия ва Санъат музейининг бир неча реставраторлари билан тажриба алмашиш баробарида музей захирасидаги тўртта таъмирталаб асарларни қайта тиклашмоқда.

— Муस्ताқиллик йилларида музейларга бўлган эътибор кучайди, — дейди музей директори Қудратилла Ажиметов. — Бу эса санъат ўзгаллигини асраш, намойиш этиш, авлодларимизга мерос қолдиришдек эзгу амалларни юзага чиқариш, шу даврлар ичида биз дунё миқёсида тажриба алмашиш, ҳамкорликда иш олиб бориш ва бошқа кўплаб имкониятларга эга бўлди. Ушбу кунларда музейимизда олиб борилмаётган реставрация ишлари ҳам сўзимиз исботидир. Таъмирланаётган ушбу асарлар XIX аср маданиятига дахлдор бўлиб, Фарбий Европа, Россия ва ўзбекистонлик рассомлар қаламига мансуб. Мақсадимиз аждодларимиздан бизгача етиб келган ноёб асарларни қайта тиклаш, асраб-авайлаб келажақ авлодларга тақдим этиш. Рес-

таврация ишлари яқунлангач асарлар экспозициялар орасидан жой олиши режалаштирилган.


— Музейда, халқингизнинг буюк ўтмиши ва тарихидан хикоя қилувчи бетакдор санъат намуналари жой олган. Уларни асл ҳолидек таъмирлашда эса иқтидор ва тажрибадан ташқари, ўша давр руҳидан, инсонларнинг дунёқарашларидан воқиф бўлиш талаб этилади. Биз ҳар бир санъат дурдоналарини таъмирлашда барча томонларни ҳисобга оляемиз, — дейди Франция реставратори Сесиль Брангие.

Музейга мунтазам санъат икломландириш, талабалар, мутахассислар, хорижий меҳмонлар ташриф буюради. У ерда санъатнинг барча турига оид 60 000 дан ортиқ экспонатлар мавжуд. «Туркистон-пресс»

ТАЪЛИМ

Ўқитишнинг замонавий услублари

бугунги давр ўқув жараёнида мутахассислар тайёрлаш инновацион технологияларни татбиқ этишни тақозо қилмоқда



Бугунги кунда олимлар ва амалиётчиларнинг таъкидлашича, замонавий таълим талабаларда олинган билимлардан амалиётда фойдаланиш, талабанинг шахсий хусусиятлари, хусусан, унинг ҳаётининг режаларини ҳисобга олишни эҳтиёж даражасига кўтармоқда. Шу боис таълим иши талабалар ва ўқитувчилар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликни кўзда тутди. Бу эса ўқув жараёнида интерфаол услубларини қўллашни талаб этади. Бундай таълим жараёни жамияти тароққийетида мос ва мувофиқ тарзда шахсни намойиш бўлиши ва янада тўлиқ шаклланишига хизмат қилади.

Ботир ТОЖИХЎЖАЕВ,
Тошкент Давлат Маданият
институтининг тадқиқотчиси

Таълим берувчи янги нарсани кашф этса, демак, у новатор, борди-ю, у илмий ғояни амалиётга татбиқ этса, демак, у инноватор. Олий ўқув юртининг замонавий ўқитувчиси тегишли касб билимлари ва фақат амалий тажрибагагина эга бўлиб қолмай, ўз фаолиятига ташхис қўйиш, таҳлил қилиш, муайян шаклга солиб, мослаштири олиш ва уни мунтазам такомиллаштириш йўллари излаши лозим. Бундай мақсулдор педагогик фаолият стратегияси талабаларнинг билимга бўлган қизиқишларини шакллантиради, уларнинг ақлий мустақиллигини, мустақил таълим олиш ва ўзларини ўзлари такомиллаштириб боришга асосланади. Бу эса педагогик фаолиятнинг асосий кўрсаткичидир. Ҳозирги шароитда педагогик инновациялар орасида модуль-рейтинг, талабалар мустақил ишини ташкил этиш, ахборот технологияси, касбий йўналиш, талабалар билими даражасини назорат қилиш ва интеграция каби технологиялар, мавжуд таълимга шахсий ёндашув нафақат билим ва малакани, балки қобилиятни ҳам ривожлантиради, маънавий ва ақлий фаилатларини шакллантиради. Инновацион технологиялар ўқитувчилар каби талабаларга ҳам анъанавий шакллар ва услубларни такомиллаштириш учун янги, хусусан, тренинг, матбуот анжумани, касблар тақдимоти каби бир қанча усуллардан фойдаланиш учун имконият яратди.

Истиқболли педагогик технологиялар орасида, айниқса, муаммоли-модулли ва модулли-рейтингли ўқитиш технологияси ажралиб туради. Интерфаол технологиялардан фойдаланишдаги қийинчиликни бартараф этиш учун ўқитувчи

шу нарсани эсда тутиши керакки, интерактив технологиялардан фойдаланиш — бу бирдан-бир мақсад эмас, балки қўлай муҳит яратиш усулидир.

Интерфаол технологиялардан самарасиз фойдаланиш тескари натижага олиб

ни шакллантиришдан иборат. 1998 йилдан Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ олий маълумотли мутахассисларнинг икки ҳадли — бакалаврият ва магистратура босқичлари татбиқ этилди.

Таълим сифатини ошириш — Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастурнинг асосий вазифаси. Шу боис олий ўқув юртлири ўқув жараёнига замонавий педагогик технологияларни жорий этиш, талабаларни эркин фикрлашга ўргатиш ва ўқитишнинг интерфаол услубидан фойдаланиш малакасини ривожлантириш асосларини татбиқ этиш бўйича қатор тадбирлар мажмуаси амалга оширилмоқда.

Ўқитишнинг модуль-рейтингли тизимини биринчилардан бўлиб Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат Маданият институтини татбиқ этиди. Мазкур олий ўқув юрти ректорати олий мактабда ўқитишнинг янги инновацион услубларини татбиқ этиш бўйича ушбу тажрибани

Ҳозирги шароитда нафақат муайян касб, балки олий таълим олган, юқори малакага эга бўлган мутахассисларга эҳтиёж тобора кенгайиб, ортиб бормоқда. Иқтисодиёт ва меҳнат бозоридоги ўзгаришлар, нодавлат сектор ва бандликнинг муқаррар кенгайиши таълим тизимида илғор ва замонавий услубларни қўллашни талаб қила бошлади. Шу боис меҳнат бозорида самарали ишлаб оладиган мутахассисларни тайёрлаш асосий вазифага айланди.

Ўқитиш мақсадида профессор-ўқитувчилар ва талабалар таркибини шакллантиришга муваффақ бўлди. Бугунги кунга келиб институтда кенг доирадаги талабалар ва ўқитувчилар учун мутахассислик, меъёрий ва бошқа ахборот йўналишлари бўйича маркетинг маркази ташкил этилган.

Институтда электрон каталоглар ва автоматлаштирилган кутубхона яратилмоқда, электрон дарслик ва дарслик қўлланмалари устида иш олиб борилмоқда, талабаларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжларини ҳар томонлама қондириш учун зарур шароитлар ишлаб чиқилимоқда.

Таълимнинг, олий айтиқса, касб-хунар таълими тизимининг вазифаси миллиятнинг илғор вакиллари, бир сўз билан айтганда келажагини шакллантиришдир. Олий таълим тизими юрт иқтисодиёти ва бизнесни янада ривожлантириш, рақобатбардошлигини кучайтиришда муҳим роль ўйнайди.

Таълим — фан — бизнес силсиласи иқтисодиётнинг жадал ривож ва рақобатбардошлик шартидир. Бу уч таркиб бир бутунликка, яъни олий ўқув юрти таркибиде

бирлашса янада самаралироқ бўлади. Тадқиқот ғояларини ишлаб чиқиш ва уларни олий ўқув юрти доирасида рўйга чиқариш ўқув жараёнида янги технологияларни татбиқ этиш ва тарқатиш тезлигига жиддий таъсир қилади. Ишлаб чиқаришни ранг-баранглаштириш, технологияларни янгилаш мақсулдор рақобатбардошлигини таъминлайди.

Ҳозирги шароитда нафақат муайян касб, балки олий таълим олган, юқори малакага эга бўлган мутахассисларга эҳтиёж тобора кенгайиб, ортиб бормоқда. Иқтисодиёт ва меҳнат бозоридоги ўзгаришлар, нодавлат сектор ва бандликнинг муқаррар кенгайиши таълим тизимида илғор ва замонавий услубларни қўллашни талаб қила бошлади. Шу боис меҳнат бозорида самарали ишлаб оладиган мутахассисларни тайёрлаш асосий вазифага айланди.

«Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастур таълим соҳасида туб ва тизимли ўзгаришларни таъминлаган энг муҳим ҳуқуқий асослар-

дир. Бакалаврият таълими бирор-бир соҳа йўналиши ва малакага бўлган эҳтиёж билан келиши беради. Ундан кейинги поғоналар муайян соҳа бўйича чуқур билимга эга бўлган мутахассисларни тайёрлайди, кадрлар тайёрлаш вазифасини мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланиши истикболлари билан боғлаб олиб боради, меҳнат бозорига бўлган эҳтиёж ва талабни аниқлайди. Олий ўқув юртлири мутахассисларга таълим берар экан, жамият, иқтисодиёт, ижтимоий соҳа ривожланишининг узоқ муддатли тенденцияларини мўлжалла олади, меҳнат бозорига бўлган эҳтиёж доимий эътибор ва диққат маркази бўлади ва таълим жараёнида дуал (икки ёқлама) тизимни қўллаш амалиётини кенгайтириш бизнесни таълим шароитига жалб этишнинг самарали услуби сифатида хизмат қилади. Бундай шароитда олий бўлиладиган машғулотларнинг бир қисми муайян корхоналарда институт ўқитувчилари ва корхона мутахассислари билан бевосита ҳамкорликда ўтказилади.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

Баёнот атрофидаги талқинлар

БИЗНИНГ ШАРҲ

Беҳбуд БОТИРОВ

Фаластинда парламент сайловлари яқинлашган сари ҳукумат доирасида жиддий ўзгаришлар бўлиши кутилмоқда. Бунда 2005 йилдан буён ҳукуматни бошқараётган Маҳмуд Аббоснинг келаси йил 24 январда ўтказиладиган сайловларда ўз номзодини қўймаслик ҳақидаги қарори сабаб бўлган. Боисики, Фаластин етакчисининг жаҳон ҳамжамияти эътиборига тушгани унинг сайёра-мизинг энг оловли нуқтаси — Яқин Шарқда нафақат фаластинликлар, балки қўшни давлатлар билан ҳам тил топиша олаётгани билан аҳамиятлидир. Аммо мутахассисларнинг фикрича, М.Аббоснинг фавқулодда “кетилиши” минтақадаги сиёсий-иқтисодий ислохотларни ярим йўлда қолдириши мумкин.

«EuroNews» тарқатган хабарларга кўра, айтилган Фазо ва минтақанинг бошқа ҳудудларида минглаб фаластинликлар Маҳмуд Аббосни сиёсий курашни давом эттиришга чакирмоқда. Улар «Биз биргамиз!» «Тинчликка ишонидан бош тортманг» шiori остида навбатдаги сайловларда Фаластин маъмурияти раҳбарининг қатнашишини сўрамоқда. Кузатувчиларнинг фикрича, бу борада М.Аббос одамларни тушунликдан олиб чиқиш учун улар руҳини кўтариб, машаққат ортида фаровон ҳаёт борлигига ишонтириши керак. Минтақада вазият ўзгариб бораётганини ҳисобга олганда ҳокимиятга ким келиши Исроил билан муносабатларга ҳам бевосита боғлиқ. Шу боисдан Исроил президенти Шимон Перес Тел-Авивда қилган чиқишида ҳам Маҳмуд Аббосни лавозимни тарк этмасликка чакирган. Унинг айтишича, ҳам исроилликлар, ҳам ҳукумат тинчлик истаиди.

Ҳақиқатан, сиёсатда анчанин оғир, вазмин иш юритадиган М.Аббоснинг сайловларда иштирок этмаслиги минтақадаги шундоқ ҳам қалтис вазиятни янада таранглаштириши мумкин, дейишмоқда мутахассислар. Ҳозир бир томонда Фазо секторида фаластинлик қочқоқлар сони кўпайган, халқаро донор давлатлардан Фаластинга

берилаётган молиявий кўмакнинг камайиб кетгани ва сиёсий-иқтисодий инқироз сабабли, мухторият аҳолисининг турмуш даражаси кескин тушиб кетган. Тинч ҳаёт кечираётган давлатлар ҳам катта иқтисодий қийинчиликларга дуч келаётган ҳозирги даврда уруш ҳолатидаги юртларда аҳвол нечоғли оғирлигини тасаввур қилиш мумкин. Маълумотларга қараганда, бугунги кунда Фаластин халқининг 65 фоизи қашоқликда ҳаёт кечирмоқда.

Халқаро шарҳловчиларнинг фикрича, Иордан дарёсининг Ғарбий соҳилида тинчликни мустаҳкамлаш, Исроил билан мулоқот қилиш, халқаро инсонпарварлик ёрдамларининг аҳолига етиб боришида айнан Маҳмуд Аббоснинг хизмати ва саъй-ҳаракати катта бўлмоқда. Шу боис кўпчилик яна икки ойдан сўнг ўтказиладиган сайловларда Маҳмуд Аббос ўрнига бошқа раҳбар сайланса, ҳозирги давом этаётган ислохотлар, узоқ йилларга мўлжалланган тинчлик режалари барбод бўлишидан хавотирда.

Одатдагидек, боши берк кўчага кириб қолган минтақани анчадан буён ўрганиб келаётган мутахассислар Исроил-Фаластин моjarосига қандай ёндашиш бўйича бир дунё маслаҳат-тавсиялар билан чиқмоқда. Яқин Шарқдаги ярим асрлик зиддиятлар, Исроил-Фаластин ўртасидаги тортишувлар шу қадар чуқурлашиб бораётгани, моjarолар ечими бир орзуда бўлиб қолган. Сиёсатчиларнинг фикрига кўра, хавфсизлик, худудий бахслар ва тинчликни таъминлашга келганда, Исроил ва Фаластиннинг сиёсий тизими лаёқатсиз аҳволда.

Бу халқлар тинч ва тотув яшаш учун ягона йўл бу — икки мустақил давлат барпо этишдир, — дейди АҚШ собиқ президенти Ж. Картер. — Барчамиз шу мақсад сари интилишимиз керак. Боз устига, Куддус шарқидagi яҳудийлар, курилиш ва уй-жой масаласи, Исроил хавфсизлиги, Фалас-



тинда эркин ва адолатли сайловлар зарурияти ҳақида очиқ гапириш лозим. Хамас ва Исроил ўртасида Миср воситачилиги ҳам муҳим.

Фаластин раҳбари Маҳмуд Аббос билан учрашган Барак Обама ҳам Исроил тинчлик истаса, Иордан дарёсининг ғарбий соҳилида яҳудийлар учун уй-жой курилиши бас қилиши керак, деган эди (Аммо яқинда Нью-Йоркда Исроил расмийлари ва Фаластин етакчиси Маҳмуд Аббос билан мулоқотдан сўнг, АҚШ раҳбари музокара ҳеч қандай шартсиз ўтказилгани маълум, деган баёнот билан чиққан). Ҳозир ғарбий соҳилда 120 дан зиёд аҳоли пункти мавжуд ва у ерда 300 минг исроиллик яшайди. Фаластинликлар эса бу худудда бўлгуси давлатни барпо этишни истаиди.

Маҳмуд Аббос сўзларига кўра, араб давлатлари Исроил билан дўстона мулоқот қилиш тарафдорли, фақат бир шарт билан — Исроил босиб олган ерларни қайтариши ке-

рак. Маълумки, Исроил 1967 йилда Миср, Иордания ва Сурия билан урушда Ғарбий соҳил, Шарқий Куддус, Фазо сектори ва Жўлон тепалигини қўлга киритган. Россиялик сиёсатшунос Дмитрий Возгенийнинг айтишича, жараёни олдинга силжитиш учун конструктив, холис ва ғайратли бир воситачи керак. АҚШ сиёсий арбоблари назарида Араб-Исроил ихтилофига чек қўйиш учун тарихий имконият мавжуд. Фаластинликларга эркинлик, Исроилга хавфсизлик ва бу муқаддас заминга тинчлик олиб келувчи ечим керак, дейди улар.

Яқин Шарқ бўйича музокараларда бевосита иштирок этган расмийлардан бири Роберт Мали шундай дейди:

— Араб-Исроил моjarосини жиддий таҳлил қилган ҳар бир мутахассис сизга аниқ айта олади. Энг ноҳўя ёндашув бу шош-қалоқлик. Ишни зиддиятга нуқта кўямиз деб эмас, ҳақиқатга яқинроқ бир мақсад билан бош-лаш лозим. Гап шундаки, тинчлик ваъдасини беришга на Исроил, на Фаластин тайёр. — Минтақада демократия, туб ўзгариш десангиз одамларнинг энсаси қотади. Босқичма-босқич иш олиб бориш керак.

Маҳмуд Аббос — 1967 йилги чегара бўйича Фазо худуди, Ғарбий қирғоқ ва Шарқий Куддусни ўз ичига олган Фаластин давлатини ташкил этиш тарафдори. Аммо 2006 йили Фаластин қонун чиқарувчи идораси учун бўлган сайловда мамлакат раҳбари М.Аббосга муҳолифатда бўлган ХАМАСнинг ғалабага эришгани сиёсий вазиятни янада чигаллаштирган. Боиси, ХАМАС ҳаракатининг режаси М.Аббосдан тамомил фарқ қилади: улар тарихий чегаралар тикланиши ва Фаластин ўзига қаршли бўлган барча худудларга эгалик қилишини истаиди, деб таъкидламоқда хорижий журналистлар.


Шу пайтгача ҳатто энг пухта дея қаралган режалар ҳам на Исроил ҳукуматини, на ўз давлатчилиги учун курашаётган фаластинликларни қониқтирган. Шунга қарамай, агар Маҳмуд Аббос ўз қарорини ўзгартирса, эҳтимол уни янги овозлар билан таъминлаш мумкин, деган маълумотлар ҳам йўқ эмас. Бунга жавобан Маҳмуд Аббос халққа «келажакка ишонинг» дейишдан олдин амалий ўзгаришлар қилиш, томонлар гапга кўниб, муроса ҳақида ўйлаши, фарқлар эмас, умумманфаатлар устида қайгуриши лозим, дея жавоб берган. Унинг айтишича, ривожланган давлатлар Яқин Шарқда нейтрал, мувозанатли сиёсат олиб бориши муҳим аҳамиятга эга. Муносабатларни ўзгартира олишга умид бор, аммо жараён осон кечмайди. Ҳозирча БМТ ҳам, катта саккизлик давлатлари ҳам Фаластиндаги оғир аҳвол халқаро ҳамжамият аралашадиган даражада эмас, деган қарашда.

ДУНЁДАН ДАРАКЛАР

Касалликка қарши

Украинада “чўчка гриппи”дан вафот этганлар сони 100 нафардан ошган.

Бу ҳақда “Zaxid.net” сайти Украинанинг Фавкулодда вазиятлар вазирлиги матбуот хизмати маълумотларига таяниб ёзган. Гриппдан энг кўп азият чекаётган худуд — Львов вилояти саналади. Айтилган пайтда мамлакатда “чўчка гриппи”дан касалланганлар сони қарийб 763 минг нафарни ташкил этмоқда, улардан 34 минг нафари шифохонага ётқизилган. Россияда ҳам касалликка қарши эмлаш ишларига жиддий эътибор берилмоқда. Қарга борманг, “чўчка гриппи”дан сақланиш ҳақидаги эълонларга кўзингиз тушади. Бунда дастлаб шифокорлар, такси ҳайдовчилари, сотувчилар ва бошқа аҳоли билан кўпроқ мулоқотда бўладиган одамлар эмланмоқда.



Ким кўп меҳнат қилади?

Дунё аҳолисининг 22 фоизи бир ҳафтада 48 соатдан кўп меҳнат қилади.

Бу ҳақда Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ) томонидан эълон қилинган тадқиқотда маълум қилинган. Айтилган тадқиқотда мамлакатларда беш кунлик иш вақти белгиланган. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, сайёрамизда 600 миллион киши ёки аҳолининг ҳар бештадан биттаси кунига тўққиз соатдан ошмиқ вақтини меҳнат фаолияти билан ўтказади. Хусусан, ресторани бизнеси, улгуржи ва чакана савдо соҳаси вакиллари энг кўп меҳнат билан банд бўлишади. Халқаро меҳнат ташкилоти хулосасига кўра, иш вақтини камайтириш йўлидаги ҳаракатлар меҳнат ҳақи миқдорининг камлиги боис кўпинча муваффақиятсиз яқунланмоқда. Яъни иш ҳақининг камлиги боис ривожланётган мамлакатларда фуқаролар кўп ишлаб яхшироқ даромад топишга ҳаракат қилишяпти. ХМТ ишчилар ҳуқуқларига риоя этишни назорат қилиш учун махсус комиссиялар тузишни тавсия этган.



Ҳамкорлик форуми

Хитой Африка давлатларига 10 миллиард АҚШ долларлик кредит бериши ваъда қилган.

Бу ҳақда Хитой бош вазири Вэнь Цзябао маълум қилган. Кредитлар нимага сарфланиши ва уни қайси давлатлар олиши ҳозирча маълум эмас. “Биз бу борада Африка минтақаси билан ҳамкорлик алоқаларини янада ошириш тарафдоримиз”, деган Вэнь Цзябао. Хусусан, бош вазир Чин давлати Африкада янги энергетика лойиҳаларини яратиш, тинчлик ва хавфсизликни таъминлашда қатнашиш истагини билдирган. Ҳозиргача ҳар икки томонлар ўртасида ҳамкорлик форуми тўрт мартаба ўтказилган. Умуман, ўтган 5 йил давомида Хитой томонидан Африка қитъасига ахратган инвестициялари йилига 491 миллион АҚШ долларидан \$7,8 миллиардга кўпайган.



Ядровий муаммоларга бағишланган

Эрон ва Исроил ўртасида илк ядровий музокаралар бўлиб ўтган.

ИТАР-ТАССнинг Исроил томони тасдиқлаган маълумотларга таяниб хабар беришича, Эрон ва Исроилнинг юқори лавозимли расмийлари ўртасида сўнги 30 йил мобайнида илк бор мулоқот бўлиб ўтган. Бу музокараларнинг асосий мавзуси минтақадаги энг долзарб масала — ядровий муаммоларга бағишланган. Исроил расмийларининг билдиришларича, томонлар шу йил сентябрь ойида Қоҳира шаҳрида бўлиб ўтган халқаро анжуман пайти учрашишган. Бу анжуманда Яқин Шарқни ядровий қуроллардан холи худудга айлантириш, қуролсизланиш ва тинч мақсаддаги ядровий энергияни ривожлантириш масалалари муҳокама этилган.



“Франс-пресс” ахборот агентлиги хабар қилишича, Исроилнинг атом энергетикаси бўйича комиссиясининг раҳбарларидан бири эронлик дипломат билан ёпиқ эшиклар ортида бир неча музокаралар ўтказишган. Мулоқотлар натижаси бўйича бирор-бир хабарлар тарқатилмаган.

Узоқ босқичли жараён

БМТ Исроил ва Фаластинни ўтган йили Фазо секторидарўй берган ҳарбий зиддиятлар чоғида жиноятлар содир этишганини таъкидлашга чакирмоқда.

Халқаро ташкилотнинг Хавфсизлик кенгаши аллақачон Исроил томонидан мазкур секторда олиб борилган йирик операциялар пайтида инсон ҳуқуқлари бузилганлигини тафтиш этиш бўйича маърузани қўриб чиқмоқда. Маъруза Жанубий африкалик мутахассис Ричард Голдстоун раҳбарлигида тайёрланган. — Биз жаворбгарлик борасида янги даврга қадам қўйдик, дейди Фаластин маъмурияти вакили Рийд Мансур. — Бу узоқ давом этадиган жараён, аммо биз бор кучимиз билан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қиламиз.

Аммо Исроил томони Голдстоуннинг маърузасини бир томонлама ва холисона эмас, дея баҳолаган. Айтилганда мазкур расмий маълумот БМТ Хавфсизлик кенгашида қўриб чиқилмоқда. Ричард Голдстоуннинг айтишича, агар Фаластин ва Исроил текширув ишларини олиб боришмаса, бу иш Халқаро судга тақдим этилади.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

РАНГИН ДУНЁ

Махфуза ХУДАЙБЕРГАНОВА, “Milliy tiklanish” мухбири

Олимлар бир неча йиллардан буён инсоният қачон сифатли қайроқтошга эга бўлишганини аниқлаш мақсадида қатор тадқиқотлар ўтказиб келишмоқда. Хусусан, бир гуруҳ исроиллик мутахассислар ушбу тошдан қадимги одамлар 300 минг йил аввал фойдалана билишган, деган хулосада тўхташган.

Маълумотларга қараганда, ер тубидаги қайроқтошга нисбатан ер сатҳидан олинган тош таркибиде берилия-10 (қайроқтош таркибидеги қимёвий модда)нинг миқдори кўп бўларкан. Мутахассислар, Тобун горида топилган қадимги қурол-яроғларнинг таркибини текшириб, уларда ана шу берилия-10нинг миқдори ниҳоятда камлигини аниқлашган. Демак, 300 минг аввал қадимги одамлар ер тагидан қайроқтошни қазиб олиб, ундан қурол-яроғга ишлов беришда фойдаланишган. Бирок, қадимда улар мазкур тошни қай йўсинда қазиб олишгани ҳали-хануз олимларга жумбоқ бўлиб қолмоқда.

Яна бир қизиқ маълумот: Тобун горида 30 км. узоқликдаги Кесем горида топилган қурол-яроғлар текшириб кўрилганда, уларда ер сатҳидеги қайроқтошдан фойдаланилгани аён бўлган. Бундан кўриниб турибдики, бир даврнинг ўзида ривожланган ҳамда ривожланмаган қабиалар ёнма-ён яшашган.

Ирландиянинг ботқоқ еридан икки қадимги одамнинг суяк қолдиқлари топилган. Қизиги шундаки, мутахассислар топил-

маларни узоқ текшириб, тош даврида ҳам қадимги одамлар ўзларининг ташқи қиёфаларига алоҳида аҳамият беришган, деган хулосага келишган.

2003 йил Дублин шаҳри атрофидан топилган «ирокез» номли турмакланган соч ҳамда ана шу соч толасида замонавий гел таркибиде учрайдиган модда ҳам аниқланган. Шу ердан 40 км. узоқда топилган суяк қолдиқлари, тирноқларга безак берилгани ҳам маълум бўлган. Демак, далил-исботларга қараганда, тош асрида яшаган инсонлар худди замонавий кишилар каби, ўзларига оро беришган. Шунингдек, археологлар у ердан турмакланган сочдан ташқари, соч озикланишига ҳам аҳамият беришгани ҳақидаги ашёвий далилларни топишган.

Лесотода дунёдаги энг катта оқ олмос топилган. Бу олмос («Promess du Lesotho») «Лесотонинг умиди» деб номланган. Бизнинг асримиздаги энг катта ва барча топилган тошлар орасида ушбу олмос ҳажми бўйича ўн бешинчи ўринда тураркан. Айтишларича, бу қимматбаҳо тош энг ноёби — 603 карат, D тоифали олмос ҳисобланаркан. Бу қим-

Қадимги топилмалар



матбаҳо тош дунёдаги бриллиантлар пойтахти Антверпенга юборилган. Ва у ерда ўтказилган аукционда Жанубий африкалик компания 12,36 млн. долларга ана шу олмосни сотиб олган. Айтишларича, компания олмосга ишлов бериб, уни бриллиант ҳолига келтиради ва яқин келажақда 20,000 млн. АҚШ доллари нархида савдога чиқараркан.

Баъзи маълумотларга қараганда, дунёдаги энг катта олмос 3106 каратли Cullinan бўлса, ундан кейинги ўринда 995 каратли Excelsior олмос тураркан. Бу иккала олмос ҳам Жанубий Африкадан топилган.


Римдаги метро қурилиши ишларида қурувчилар император Максентийнинг исзис йўқолган хазинасига дуч келишган. Археологлар у ердан бир қанча қадимги найза, қурол-



яроғ ва қимматбаҳо буюмларни топишган. Айтишларича, 312 йили император Максентий ва Константин ўзаро жанг олиб борган. Жангдан олдин император қурол-яроғ ва ўз хазинасини кўмиб ташлаган экан. Жангдан сўнг, на император ва на унинг яқинларидан ҳеч ким омон қолмаган. Шунинг учун, бу хазина исзис йўқолган деб ҳисобланган.

Қалбаки танга
Маълум бўлишича, қадимда буюк қаллоблар кўпроқ Италияда туғилишган экан. Мутахассисларнинг аниқлашича, тахминан 2 минг йил илгари зарб қилинган танга қалбаки бўлиб, уни тайёрлашда мураккаб химиявий жараёндан фойдаланилган. Бу танга эрамиздан аввалги III асрда муомалада бўлган. Унинг бир тарафида суворий, иккинчи томониға эса дельфин устидаги одам тасвири таширилган.

Шунингдек, бу қадимги танга 1948 йили Парабита шаҳрида лойдан ясалган хумдан топилган бойликлардан бири бўлиб чиқди. Танга свинец (руҳ)дан ясал-



ган бўлиб, фақат устки қисми кумуш билан юпка қопланган. Бундан ташқари, уни ясаш жараёнида фойдаланилган техника ҳам қадимгига ўхшамас экан. Мутахассислар фикрича, танга ясашда электрохимиявий жараёндан фойдаланилган. Чунки қаллоб, руҳ устига кумушнинг ўзини қоплаб бўлмаглигини яҳши билган ва бир қатор юпка мис қопламидан кейин кумуш қўйган.

Олимлар танга ясашда ишлатилган ва ўша даврда маълум бўлган моддаларни аниқлашган. Улар мис ацетати, кумуш ва пешоб хлоридидир. Мутахассисларнинг айтишича, бу тангани яратган одам жуда билимли ва ақли, ўз ишининг устаси бўлган. Бирок, уddaбурон қаллоб ўз «кашфиёти» ни сир бўлиб қолишни маъқул қўрган, дея хабар бериб Discovery хабарномаси.

КЎЗГҮ

ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ

Дастлаб эътиборингизни «Алломиш», «Гўрғули» достонларига қаратгим келди. Халқ ўртасида маълум ва машҳур бўлган Гўрғулининг туғилиши, унинг биани эмиб катта бўлгани кейинчалик қахрамонимиз биани ардоқлагани, бу ҳақда Пўлкан шоирнинг «Гўрғулининг туғилиши ва болалиги» достонига қуйлагани маълум ва машҳур...

Пардабой ТОЖИБОВЕВ,
«Milly tiklanish» мухбири

Сўзингиз ўринли, фақат дostonда эмас, ҳаётда ҳам аждодларимиз отларнинг бутун ер юзига тарқалишига сабабчи бўлган,- дейди Жиззах вилояти Маънавият тарғибот маркази раҳбари, профессор Урол Носиров. - Қадимда отлар нафақат транспорт, балки ҳарбийликка ҳам ас қотгани тарихдан маълум. Дунё халқларида турли отлар бор, аммо улар орасида Марказий Осиё отлари, айниқса, Жиззах, Фарғона худудларидан олиб келинган отлар ўзга элларда ҳам шухрат қозонган. Хорижликлар бизнинг отларга «самовий бедов»лар деб ном беришган. Шунинг учун бўлса керак, Хитой ҳукмдорлари асосий майдонларга от истеъмол қиладиган озуқа экинлари экишни буоради.

Демак, Бойчиборнинг икки га заноти бор, деб қуйлангани бежиз эмас экан-да?!
- Тўғри. Фозил Йўлдош ўғлининг қуйлаган достонига эътибор беринг: Йилқичинда ўзи келгансинлидир. Товушқон туёкли мирол беллидир. Аросат кунда ажаб холлидир. Қимматбахо экан, ўзбекнинг оти. Минганларнинг яқин отар мақсади. Қўлтиғида тўрт ярим газ қаноти. Асл тулпор экан ўзбекнинг оти
- Ҳа, ўзингиз ҳам от минганмисиз?
- Хотираларни эсга солдингиз. Болалгимда уйимизда чавандоз минадиган от бўларди. Отни миниб, чаван-

«Самовий бедов»

от чопса гумбурлар тоғнинг дараси



дозга бериб келардим. Кўпқарини кузатардим. Бизнинг тулпорни Фалло-ролнинг «Авлиё» қишлоғидаги Бўри полвон минарди. Кўпқаридан солимсиз чиқмасди. Улоқни қўлга олгач, ёпишга 3-4 та отни кўраги билан уриб йиқитиб кетарди. Чавандоз улоқни олаётган пайда чўққаларди. Устидаги чавандознинг кайфиятини сезарди. Аммо бу отнинг тақдири яхши бўлмади. Кўзишиб ўлди. Шундай ирим бор, «кўзи» бор одам отни кўриб мақтаса миниб юрган отни сот деб мажбур қилса, кўзинар эмиш...

- Рассомлар инсон хаёлини ҳам шудрингда чапиб юрган тойчоққа менгзашар экан,- дедим. - Дарвоқе отлар ҳақида ёзилган китобларни би-

ласизми?
- Ҳа, албатта Лев Толстой, Чингиз Айтматов отларнинг феъл-атвори чизишда новаторлик қилганлар. Лекин бизнинг Фозил Йўлдош ўғли, Пўлкан шоирлар ҳам тулпорларни мадҳ этишган. «От чопса гумбурлар тоғнинг дараси» деган куйма сатрларни ҳали ҳеч бир асарда учратмаганман. От йиғлайди, кулади, оғир кунларда эгасини кутқаради, ўйни қўриқлайди...

Кейинги пайларда вақтли матбуотда чоп этилаётган асарларда «Отларимиз феъл-атвори» деган сифатлар бежиз қўлланмапти.
- Бир жиҳатта эътибор беринг: отни кўрган, минган билан, борингки, чоптирган билан бедовнинг ички дунёси-

ни ёритиш қийин. Уни ҳис қилиш учун отни уйда сақлаш, ўрганиш, тарихдаги аҳамиятини англаш керак. Мана отнинг қимзини ичадилар. Сил касалига ундан зўр даво топилмас керак. Бир пайлар дўқонларда қимиз сотиларди. Қимиз билан даволаш шифоналари бор эди. Кейинги пайда шу нарса кўринмапти. Одамлар узоқ жойларга бориб, қимиз ичиб келаяпти. У тез айниди. Шунинг учун уни сақлаш қийин. Кейин зўр-зўр отларга қазибол экан, деб қараётганлар ҳам йўқ эмас.

- Ўзбек халқини ер юзидаги энг ориятли дегим келади,- деди Урол ака суҳбат асносида. - Ахир кўпқари бериш ўзича бўлмади-ку! Лекин тўйида кўпқари берган соҳиб, бир хумордан чиқдим, дейди. Ахир кўпқариларга минглаб от йиғилади-да. Абадул-абад бой берилган совринлар гапириб юрилади. Мақталиб, хурмат-эътибор топади. Фалончининг оти менинг кўпқаримда шунча солим олди, деб фахрланади. Бу тантиликни, ориятни фақат ўзбек халқига чиқарган, деб ўйлайман.

- Тўғри, от шунинг учун ҳам бошқа ўргатилган ҳайвонлардан устун. Масалан, «Қиз қувлоқ»ни олайлик. Бу халқ ўйини, бунда мардлик, жасорат, тарих акс этади. Уйини кўрар экансиз беихтиёр кўз олдингизга Бойчиборни минган Барчинойни, Тўмарисни, Олой маликасини келтирасиз. Уша пайларда аёллар ҳам юрт шаънини ҳимоя қилганлар.

Ёзувчи Саид Аҳмад Ургутда отнинг қабри борлиги ҳақида ёзган. Археологлар Сибир, Олтой ўлкаларида турки қабилаларнинг отлари кўмилган қабристонлар борлигини аниқлаганлар. Бу борада академик Опладниковнинг ёзма баёнлари бор. Демак, аждодларимиз отларга катта ҳурмат билан қарашган. Тарихда ҳиндулар ҳам қорабайир отларига ишқивоз бўлганлар. Улар от билан қўшиб, туркий 183 та сўзни ҳам ўзлаштирганини айтсак масала ойдинлашади.

Мустақилликка эришгандан сўнг халқимизнинг асрий орзулари рўёбга чиқди. От билан боғлиқ бўлган тўйлар, маросимлар, байрамлар қадрият даражасига кўтарилди. Энди йилқичликка эътиборни янада ошириш керак. Инсоннинг энг яқин дўсти, бойлиги — отга меҳр ошаверсин!

МАДАНИЯТ ЯНГИЛИКЛАРИ

“Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги” йили муносабати билан очилган кўргазмада рассомнинг рангтаъсир ва графикада ишланган тўқсондан ортиқ асарлари намойиш этилаётди.

“Сенинг фарзандингман, Ўзбекистон”

Ўзбекистон Бадий Академияси Марказий кўргазмалар залида Христофор Иннокентьевич Каннинг “Мен сенинг фарзандингман, Ўзбекистон” деб номланган шахсий кўргазмаси очилди

- Кўп йиллардан бери ижод билан шуғулланаётган рассомнинг бугун биринчи кўргазмаси. Бу унинг камтарлигидан,- дейди Ўзбекистон Бадий Академияси раиси Турсунали Кўзиев. - Рассом асарларида яна бир олий қадрият улуғланади. У Ўзбекистон фарзанди бўлиб ижод қилди. Асарларида Ўзбекистонда яшаётганидан фахрланиш, оқил фарзанд бўлиб шу юрт учун қайғуриш каби туйғуларни тасвирлайди.

Болалигидаёқ ота-онасидан айрилиб етти йиллик мактабни тугатди ва ҳаётини санъатга бахшида этиш истагида Хўжайли шаҳридаги Педагогика билим юртига ўқишга кирди. Битиргач, ўқини Низомий номидаги Педагогика институтида давом эттирди.

Бир неча йиллар давомида рассом Тожикистон, Қирғизистон, Ўзбекистон ва Россия ўқув юрларида ёш авлодга ижод сирларини ўргатиш баробарида ўша ўлка халқи ҳаёти, турмуш тарзи билан танишиб борди. Кейинчалик кўп йиллар Фарғонада яшайди. Мусаввир асарларида гўзал Чимён тасвири кўп учрайди.

- Рассом табиатни шунчаки кўчирма тасвирини чизмаслиги керак. У ўша тасвири бошқа бир томондан кўрсатгандагина рассом маҳорати намоён бўлади,- дейди Христофор Кан. - Мен асарларимнинг ҳар бирини гапирганман, уларга шунчаки қараманг, маъно изланг! Нима учун айнан шу жойни, шу детални чиздим, ўйлаб кўринг!

- Рассом ҳақ,- дейди Камолiddин Беҳзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институти катта ўқитувчиси Тўлқин Аҳмедов. - Рассом дунёга шунчаки қарамайди. Ҳар бир нарса ниманидир сўзлайди.

Асарларининг кўпчилигида рассом бошидан ўтказган, юзмаюз келган қийинчиликлар тасвирланган. Мураккаб даврнинг мураккаб вазиятлари маҳорат билан кўрсатилган. Ҳар бири бир олам, ўзгача дунё. Шунингдек, рассомда оригиналлик, ҳеч кимга ўхшамаган бир ижодни кўриш мумкин.

Тошкентда ўтказилаётган ушбу кўргазма орқали санъат шинавандларини истеъдодли рассомнинг замонавий вақт тушуниши билан эмас, балки унинг ёрқин шахсиятини ифодаловчи ижод маҳсули билан таништиради.

Етмиш бешга кирган Христофор Кан бир умрлик меҳнат маҳсули-асарларини Бадий Академия фондига тақдим этди.

Мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш, истеъдодларини намоён этишда кўмаклашиш каби эзгу мақсадларга йўналтирилган ушбу фестивал олтинчиси дидир. Илк бор 2004 йил ташкиллаштирилган фестивал Ўзбекистон Маданият ва санъати форуми жамғармаси ташаббуси билан “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳомийлигидаги “Камалак” болалар ташкилоти томонидан ўтказилмоқда.

Фестивалнинг туман шаҳар босқичлари сентябрь-октябрь ойида ўтказилиб унда 1900 нафар иқтидорли болалар иштирок этди ва улар ичидан саралаб олинган 833 нафари вилоят босқичида беллашди.
- Энг кўп болалар рақс йўналиши бўйича эди,- дейди “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент вилоят бўлими кенгаши матбуот котиби Шоира Охунжоновна. - Фестивалда ҳар бир йўналиш бўйича мутахассислар ажратилган бўлиб, улар ёш иқтидор эгаларини адолатли баҳолашга ҳаракат қилишди. Фестивалнинг республика босқичига 15 нафар истеъдодлилар йўлланма олди. Тадбирда фестиваль фаолият соҳалари ва рағбатлантирувчи дипломлар топширилди.

Ғолиблар аниқланди

Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ташаббуси билан маданият ва истироҳат боғларининг республика кўрик-танлови бўлиб ўтди.

“Энг яхши оромгоҳ” танловининг якунловчи босқичига Тошкент шаҳри ва вилоятлардан 12 та маданият ва истироҳат боғи тасвия этилди.

Танлов республикаимизда фаолият кўрсатаётган маданият ва истироҳат боғлари моддий техник базаси, аттракционларнинг ҳолати, иш юритиш услублари, маданий-маърифий тадбирларни ўтказиш даражаси кабиларни ривожлантиришни кўзда тутди.

Танловда иштирок этган ҳакамлар асосий эътиборни маданият ва истироҳат боғларининг янги аттракционлар билан таъминланиши, нодавлат ташкилотлар

Энг саралар сараланди

“Янги авлод-2009” республика болалар ижодиёти фестивалининг Тошкент вилояти саралаш босқичи якунланди. Ўртачирчиқ тумани Маънавият ва маърифат марказида ғолибларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

ра Охунжоновна. - Фестивалда ҳар бир йўналиш бўйича мутахассислар ажратилган бўлиб, улар ёш иқтидор эгаларини адолатли баҳолашга ҳаракат қилишди. Фестивалнинг республика босқичига 15 нафар истеъдодлилар йўлланма олди. Тадбирда фестиваль фаолият соҳалари ва рағбатлантирувчи дипломлар топширилди.

билан ҳамкорликда маданий-оммавий тадбирларнинг ўтказилиши савияси, масканда ободлаштириш ва қўламазорлаштириш ишларининг даражаси кабиларга қаратди.

Шартларга тўлиқ жавоб берган Тошкент шаҳридаги Фафур Гулом номидаги истироҳат боғи биринчи ўринга лойиқ топилди. Иккинчи ўрин Самарқанд шаҳридаги Алишер Навоий номидаги ва учинчи ўрин Бухоро шаҳридаги Сомонийлар ҳамда Андижон шаҳридаги Алишер Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғига насиб этди.

- Танловда иштирок этиш жараёнида маданият ва истироҳат боғимизнинг фаолияти тубдан такомиллашди,- дейди Бухоро вилояти Сомонийлар маданият ва истироҳат боғининг раҳбари Файзулла Нарзуллаев. - Танлов босқичларида вилоятимиздаги барча истироҳат боғлари қатнашди. Келажақда дам олувчиларга қулай шароит яратиш учун замонавий аттракционларни харид қилишни режалаштирдик. Боғ ходимларининг малакасини ошириш мақсадида уларни Абдулла Қодирий номи Тошкент Давлат Маданият институтида ўтказиладиган ўқув-масгулотларига жалб қилдик.

“Туркистон-пресс”

ЎГИТ

Тош юрак деб гоҳи бергайлар сифат,
Тош юрак бўлмас, мисолдир ул фақат.

Ишқ кўзи билан боқиб ошқини кўр.

Ҳаммадан лекин билимсизлик ёмон.

Жалолiddин Румий

БИЛАСИЗМИ?

Аргентинадаги Аконкагуа вулкони ер юзидаги энг баланд сўнгган вулқон ҳисобланади. Унинг баландлиги 6960 метрни ташкил этган.

Бир пайлар Калигула номи Рим императори денгиз худоси — Посейдонга уруш эълон қилган. Шунда император ўз аскарларига найзаларни денгизга улоқтиришни буюрган экан.


Берлинлик тадбиркор Рудольф Герцог 1901 йили энг биринчи автомобиль номерини ўйлаб топган. У ўз автоуловвида LA1(унинг турмуш ўртоғининг исми шарфи ҳамда у ягона эканлигини аниқлаган) белгисини осиб юрган.

ТУРФА ОЛАМ

Эко-глобус

Архитектор Жеймс Ло яқинда Дубайда қурилиши кўзда тутилган шар кўринишидаги бинонинг лойиҳасини тақдим этди.


Муаллиф, бу лойиҳа сайёрамизнинг рамзи ҳисобланиб, у ниҳоятда эътиборга муҳожлиги ҳамда уни авайлаш ва эҳтиётлаш зарурлигини алоҳида таъкидлаган. «Technosphere» деб номланган бу бинода экологик тоза технологиялардан фойдаланилади. Масалан, электр энергия кўш нуридан қувватланади, сув бинонинг ўзида қайта ишланади, бундан ташқари сайёрамиз кўринишини олган бу бино кўм-кўк ўсимликлар билан қопланар экан.



Энг энгил ноутбук

Sony корпорацияси дунёдаги энг энгил ноутбукни ишлаб чиқарди. Vaio X ноутбукнинг кенглиги 13,9 миллиметр, вази 655 гр.

Vaio Xда энг сўнгги процессор Intel Atom ҳамда янги Microsoft Windows 7 Professional тизими жамланган. Мутахассисларнинг айтишича, ушбу ноутбукдан 8 соат давомида зарядсиз фойдаланиш мумкин, шунингдек унга қўшимча 16 соатга етадиган батарея ҳам ўрнатилган. Россияда Vaio X жорий ноябринг ноябрь ойидан сотувга чиқарилади.



Nokiadan yana bir yangilik

Финляндиянинг Nokia компанияси «Муסיқа билан бирга» («Comes with Music») номи янги сервисни яратди.

Корпорация ходимларининг таъкидлашича, ушбу сервис ўрнатилган уяли мобиль телефон эгалари бемалол «Муסיқа Ovi» кутубхонасига текин ҳамда чегарасиз боғлана олишади. Мутахассисларнинг фикрича, телефон эгалари ушбу сервис орқали нафақат хорижий, балки рус муסיқаларидан ҳам баҳраманд бўлишаркан. Аввало «Comes with Music» сервиси Nokia 5230, Nokia X6, Nokia X3 моделларида ўрнатилди. Ушбу мобиль телефонлар Россияда 20 ноябрдан сотувга чиқарилиши кўзда тутилган.



Илк само меҳмонхонаси

2012 йилда коинотга илк само меҳмонхонаси парвоз этилади, дейилади ОАВ хабарномаларида.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, сайёҳлар 3 кун давомида коинотда сайр этишади. Бунинг учун сайёҳлар аввало 8 ҳафталик тайёрлов машқларини ўташи ҳамда 3 млн. АҚШ доллари тўлаши лозим. Айни пайтда Galactik Suite компанияси ушбу лойиҳа устида иш олиб бормоқда. Айтишларича, Galactik Suite Space Resort меҳмонхонаси ер атрофида 30 км/соат тезликда ҳаракат қиларкан. Унга 4 нафар сайёҳ ҳамда 2 нафар экипаж жойлаша олади.



Маҳфуза ХУДАЙБЕРГАНОВА тайёрлади



МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН «МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ»
ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ХОМИЙ:
«МАТБУОТ ТАРКАТУВЧИ»
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ

Ахтам ТУРСУНОВ, Ахрор АҲМЕДОВ, Ғолиб-шер ЗИЯЕВ, Сувон НАЖБИДДИНОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Ражаб ЖУМАНИЁЗОВ, Гафуржон МУХАМЕДОВ, Улугбек МУХАММАДИЕВ, Шоира УМАРОВА, Рустам ҚОСИМОВ, Баҳодир ШАРОФОВ, Арслон ЭШМУРОДОВ

Бosh муҳаррир:
Жалолiddин САФОВЕВ

Муаллифлар фикри тахририят нуктаи-назаридан фарқланиши мумкин. Реклама ва эълонлардаги факт ва далиллар учун тахририят жавобгарликини ўз бўйича олмади.

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000,
Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г-1023, Адади — 4196

Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

ТЕЛЕФОНЛАР: (8-371)
234-87-74, 234-87-73,
234-86-41* ФАКС: (8-371)
234-69-55, 234-01-47

Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-2

Саҳифаловчи:
Акбар ШОДИЕВ
Навбатчи муҳаррир:
Исмаи ХУДОЁЕВ
Навбатчи:
Камолiddин ХОТАМОВ

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди.
Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41-уй
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 22.00.